ISSN 2181-9521

№ 5-son, 2019

ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАК ИККИ ҲАФТАЛИК ЎҚУВ

2019 йил 13-25 май

ТАБИДА БЎЛИБ ЎТГАН КУРСИДАН ФОТОЛАВҲА

«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ
Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Сирожиддин ИБРОҲИМОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 1 февралда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 12.06.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 25
Адади 2000

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Жараён 6-бет

АҚШ тажрибаси: замонавий таълим услублари

Мутахассис мулоҳазаси 10-бет

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини суд томонидан назорат қилиш истиқболлари

Ибрат 15-бет



Ўринли маслаҳат

Масъулият мезонлари 16-бет



Судья қандай қўшимча фаолият тури билан шуғулланиши мумкин?

Умумлаштириш 20-бет

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш: амалиёт, муаммо ва ечим

Тадқиқот 26-бет

Иш ҳақини норасмий равишда тўлаш: қонун, амалиёт, муаммо ва ечим

Қиёсий таҳлил 32-бет

Маъмурий суд ишларини юритиш: янгилик, муаммо ва истиқбол

Халқаро тажриба 38-бет

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш

Янги меъёрлар 44-бет



Суд ишни соддалаштирилган тартибда ҳам кўради

Судья минбари 47-бет

Судья холис ва беғараз бўлмоғи лозим

Таҳлил 50-бет



"Миграция" тушунчаси ва унинг юридик табиати

Суд амалиёти 54-бет

Қурилиш пудрати низолари

Важная тема 56-бет



Антикоррупционная политика Республики Узбекистан: нынешнее состояние и перспективы совершенствования

Ҳикоя 62-бет



Адолат тарозиси

ЖАРАЁН

АҚШ ТАЖРИБАСИ: ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСЛУБЛАРИ

Жаҳонда қонун устуворлиги ва эркинлик тамойилларининг самарадорлиги мамлакатдаги суд ҳокимиятининг мустақил фаолият юритиши, адолат мезонларига амал қилиниши билан белгиланади. Бу юксак мақомга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун суд ҳокимияти замон талабига жавоб бера оладиган мустаҳкам тизимга эга бўлиши керак.

Президентимиз 2019 йил 6 январда имзолаган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш учун энг аввало профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш лозимлигини белгилади. Кадрлар тайёрлашда эскирган ўқув-услубий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз “қолипли фикрлаш”нинг шаклланишига олиб келаётганини таъкидлаб, вазиятни ўнглаш учун Судялар олий кенгаши ҳузурида таълим тизими тамоман янги бўлган Судьялар олий мактабини ташкил этишга қарор қилди. Шунингдек, мазкур қарорда иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш баробарида, тингловчиларни хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати, тенденциялари билан таништириш ҳам белгилаб қўйилди.

Судьялар олий мактаби иш бошлаганидан буён хориждаги суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари иштирокида халқаро анжуманлар, қатор илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказилиб келинмоқда. Шу жараённинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 20-22 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида “Ўқитишнинг замонавий услублари” мавзусида Минтақавий диалог (ХНҲТ) билан ҳамкорликда халқаро семинар ташкил этилди. Мазкур семинарда хорижлик экспертлар – АҚШ Федерал суд марказининг таълим бўйича ҳуқуқшуноси Джим Чанс, АҚШ Федерал суд маркази эксперти Ханна Умански Ортиз ва АҚШнинг Юта штати судья-магистрати Эвелин Фюрс ҳамда ҳамкор ташкилот ва муассасалар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент давлат юридик университети, Давлат божхона қўмитаси Божхона институти, Мудофаа вазирлиги Қуролли кучлар академияси педагог-ходимлари, мутахассислари ҳамда республикамиздаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари ва судьялари, Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьялари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар 3 кун давом этиб, биринчи куни АҚШлик экспертлар АҚШ Федерал суд маркази тарихи, унинг вазифа ва мақсадлари, таркибий тузилмаси, бюджети, шунингдек мазкур марказда судьялар ва суд ходимларини ўқитиш, ўқитишда асосан қайси мезонларга эътибор қаратилиши, халқаро ҳамкорлик ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир тажрибаси билан ўртоқлашишди.

Иккинчи кун янада сермазмун бўлди. АҚШлик экспертлар семинар иштирокчилари ва қатнашчиларини кичик гуруҳларга бўлган ҳолда интерактив тарзда машғулотлар ўтказиб, ҳар бир гуруҳга тегишли топшириқлар берди. Хусусан, биринчи гуруҳ аъзоларига бир йиллик тингловчилар учун ўқув дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлса, иккинчи гуруҳ аъзоларига икки ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курси тингловчилари, яъни судьялар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, учинчи гуруҳга эса амалиётда бугунги кунда дуч келинаётган муаммони иммитацион тарзда ёритиб бериш учун видеокаст олиш вазифаси юклатилди.

Семинарнинг учинчи кунида ҳар бир гуруҳ ўз олдига қўйилган вазифани бажариб, уни иштирокчиларга изоҳлаши бу халқаро семинарнинг мактабда ташкил этилган аввалги семинарлардан фарқли жиҳатини кўрсатиб берди. Шунингдек, қатнашчилар мазкур семинарда нафақат ўзаро мулоқот, балки баҳс-мунозара ҳамда образли ўйинлар орқали судьяларга қўйиладиган талаблар, суд таълимининг тамойиллари, электрон таълим, вебинар ва масофавий таълим ҳамда бу борада АҚШ Федерал суд маркази тажрибаси билан танишишди.

АҚШ Федерал суд маркази таълим бўйича ҳуқуқшуноси Джим Чанс мамлакатида судьялар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ҳақида қуйидагиларни баён қилди:

– Бизда судьялар ва суд ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига асосан учта муассаса жалб этилади.

Улардан биринчиси – Миллий суд коллежи бўлиб, у нотижорат таълим муассасаси сифатида таъсис қилинган. Унинг ўқув дастурлари судьялик санъати, касб маҳорати ва қонунчиликдаги янгиликларни ўз ичига олган.

Иккинчиси – АҚШ конгресси томонидан ташкил этилган Федерал суд марказидир. Ушбу марказда узлуксиз таълим амалиёти ва бутун мамлакат бўйлаб судьяларнинг ўқув тадбирларини ташкил этиш, халқаро дастурлар, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бошқа давлатлар билан алоқалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Штатлар судларининг Миллий маркази учинчи таълим муассасаси бўлиб, у судларни бошқариш Институти билан биргаликда мунтазам равишда суд бошқарувчилари анжуманларида сўровномалар орқали ўқув

тадбирларининг даражасини баҳолаб боради. Шунингдек, Марказ суд процесси иштирокчилари ўртасида ҳам судлар фаолиятининг сифати бўйича турли сўровлар ўтказиб туради.

Умуман олганда, АҚШда ҳаммаси бўлиб 70 дан зиёд муассаса судьялар ва суд ходимларининг малакасини ошириш ва судни бошқаришни яхшилаш бўйича фаолиятга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

АҚШ Федерал суд марказида судьялар учун мўлжалланган икки ҳафталик таълим дастурлари ҳам судьяларнинг ихтисослигига қараб фарқланади. Жумладан, янги тайинланган округ суди судьялари учун, банкротлик ишлари бўйича судьялар учун, апелляция судлари судьялари учун ҳамда магистрат судлари учун алоҳида таълим дастурлари ишлаб чиқилган. Таълим дастури ҳуқуқ билан бир қаторда, иш юритиш, етакчилик, этика ва судларни бошқариш каби хислатларни шакллантиришга қаратилган. Бундан ташқари, марказ томонидан турли долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадида семинарлар, тренинглар ва турли тадбирлар ташкил этилади. Шунингдек, марказда онлайн ва интернет курслари ҳам мавжуд бўлиб, марказ маълумотлар электрон базаси ҳамда электрон кутубхонага эга.

Эзгулик учун яралган ёхуд эзгуликдан мутлақо мосуво инсонни кўрмадим. Кимки эзгуликка интилар экан, ҳамиша ҳурматда бўлур.

* * *

Жароҳат учун адолатни, эзгулик учун фақатгина эзгуликни қалқон билинг.

КОНФУЦИЙ

АҚШ Федерал суд маркази эксперти Ханна Умански Ортиз ўқитиш фаолиятини лойиҳалаштириш бўйича самарали йўналишлар ҳақида ўзининг қуйидаги тадқиқий хулосаларини ҳавола этди:

Маърузачи маълумот бериш учун лекция усулини қўллаганида жуда кўп ҳолларда ўқитиш “эртак”ка айланиб қолади. Таълим дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади: таълим жараёнида иштирокчиларга зарур бўлган имкониятларни ривожлантириш учун нималар қилиш мумкин? Иштирокчилар материалларни қай даражада яхши ўзлаштираётганини “кўриш” учун гуруҳда ишни қандай олиб бориш зарур? Иштирокчиларнинг қизиқиш ва бор кучини кўрсата олишлари учун дастур доирасида турли таълим усулларидан қандай фойдаланса бўлади?

Таълим жараёни кундалик ҳаётдаги юқори самарадорликка эга таълим дастури билан боғлиқ. Фойдаланилган ўқитиш усули иштирокчилар учун таълимнинг жонли, шунингдек, кейинчалик ҳам узоқ вақт ёдда сақланиб қолишига хизмат қилади.

Лекция таълимда энг кўп фойдаланиладиган усуллардан саналади. Қисқа лекция аксар ҳолларда иштирокчилар топшириқларни бажаришдан аввал билиши керак бўлган факт, тушунча, тадқиқот натижалари, назария ва шунга ўхшаш бошқа маълумотларни беришда қўлланилади. Лекциялар қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотни беришда самарали усул бўлиши мумкин. Шунга қарамай, иштирокчилардан мураккаб, абстракт ёки материал ҳақида батафсил маълумотларни ўзлаштириш кутилаётган бўлса, лекциянинг имкониятлари чегараланган.

Иштирокчилар эътиборли ва қизиқувчан бўлишига кўмаклашувчи лекцияни қандай олиб бориш мумкин?

Кейслар (Case Study — жамият тараққиётини ўрганиш)га асосланган таълимда ҳодисаларнинг ривожланиб бориши акс эттирилади, сўров иштирокчилари таҳлил

ва тавсиялар ўйлаб топади. Якка ёки кичик гуруҳларда ишланганида иштирокчилардан осондан қийинлашиб борувчи бир қанча саволларга жавоб бериш сўралади. Масалан: қандай юридик масалаларга рухсат бериш керак? Қандай муҳим факторларни ҳисобга олиш лозим? Муайян ҳолатда судья бошқарувни қандай олиб бориши керак?

Кейсларга асосланган таълим назария ва амалиётни бир-бирига боғлаш имконини беради. Судьялар мавзули тадқиқотлар ёзиш учун етарли салоҳиятга эга бўлади, негаки улар юридик масалалар ва судда юзага келадиган амалий муаммолар билан таниш.

Кейс стадини лойиҳалаштиришда дастурда тақдим этиладиган масала ва таълим мақсадига мос келадиган реал ҳолат аниқ бўлиши лозим. Ҳал қилиш зарур бўлган масала ва ҳолатлар ҳақидаги воқеаларни ишлаб чиқишда реал деталлардан фойдаланиш талаб этилади. Маълумотлар оқимини ўрганишнинг осон йўлини танлаш керак. Суд ишида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни тақдим қилиб бориш муҳим. Кейсларга асосланган таълим таҳлилларни давом эттириш учун зарур барча нарсаларни ўз ичига олиши керак. Маълумот ишнинг ўзини тушунтирадиган ёки етакловчи материаллардан иборат бўлиши талаб этилади. Иштирокчиларнинг тажрибасидан келиб чиқиб кейсларга асосланган таълим интерпрация ва спекуляцияга макон ҳозирлаши керак.

Таълимнинг катта қисми иштирокчилар амалий топшириқларни бажариши билан ўтади. Амалий машқлардан иштирокчиларнинг билимини текшириш ёки янги билим ва кўникмаларни қўллаш мақсадида фойдаланилади. Энг чуқур таълим айнан педагогик кўникма ёки суд залида ўзини тутишни моделлаштиришда кечади. Тақдимот усули иштирокчилар янги маълумотларни олишда дуч келадиган босимни енгиллаштиради. Мураббий ёки бошқа иштирокчиларни кўриб туриш ва эшитиш уларга маълумотларни амалиётда қўлланилишини баҳолашга ёрдам беради.

Семинар қатнашчилари АҚШлик мутахассислардан соҳага доир кўплаб тажриба ва янгиликлар ҳақида билиб олди. Судьялар олий мактаби бош мутахассиси Умида Ҳусаинова ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

– АҚШ Федерал суд маркази таълим бўйича катта юристи Джим Чанснинг маърузалари менда катта қизиқиш уйғотди. У мамлакатида судьялар ўқитиш тизимининг ўзига хос томонларини жуда жонли ва содда тарзда тушунтириб берди.

Хусусан, судьяларга қўйиладиган 3 та талаб, яъни билим, қобилият, атрибут ҳақидаги мулоҳазалари мени ўйлантириб қўйди. Демак, биздан судьяларимизни фаолияти давомида шу уч талабга тўла-тўкис жавоб берадиган даражада тайёрлаш, малакасини ошириш талаб этилади.

Семинар юқори савиядаги тайёргарлик боис мазмунли ва ўзаро манфаатли ўтди. Қатнашчилар АҚШ суд тизими ҳақидаги билимларини бойитдилар ва қиёсий таҳлил асосида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Хорижлик экспертлар бундан кейин ҳам таълимдаги янгиликларни алмашиб туришга ва самарали ҳамкорликка тайёр эканликларини мамнуният билан изҳор этишди.

Сирожиддин ИБРОҲИМОВ,
"Odillik mezoni" журнали мухбири

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СУД ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Дилшод АРИПОВ,
Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар номзоди

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида суриштирувчи ва терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилиш, шахсни ишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида қатнашиш учун жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор қабул қилиш, терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топшириш каби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш имконини берадиган ўндан ортиқ ваколатлари белгиланган.

Шунингдек, мазкур Кодексда жиноят ишини юритиш давомида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан фақат прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, ушбу йўналишда жиноят процесси иштирокчиларининг судга шикоят қилиши истисно этилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини суд қарорисиз чеклаш ёки маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги (19-модда), шунингдек ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган (44-модда).

Ушбу қоида ЖПКда янада кенгайтирилган бўлиб, унинг 18-моддасида жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шартлиги, 27-моддасида процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилган.

Бироқ, ушбу нормаларга зид равишда ЖПКнинг 47-бобида суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат фақат прокурор томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан, ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз ваколати доирасида:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;

- суриштирувчи ва терговчининг, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш;

- эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, уй қамоги бў-

йича қўшимча таъқиқ (чеклов) белгилаш ҳақида илтимоснома қўзгатиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

- қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд уй қамоги бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ёки илтимосномага розилик бериш;

- терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

- суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этиш ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўлиқ амалга ошириш;

- тинтув ўтказишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, ёзишмалар, сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарларнинг сир сақланиши, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат бериш;

- айблов хулосаси, айблов далолатномаси ёки қарорини тасдиқлаш каби ваколатларга эга.

Худди шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва маҳкумларнинг ҳуқуқларини чекловчи, шу жумладан уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлар устидан берилган шикоятлар прокурор ва ушбу органларнинг юқори турувчи мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

Судлар эса муайян суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатининг қонунийлиги ва асослилигини фақат ишни суд муҳокамасида кўриш давомида текширишлари ва унга ҳуқуқий баҳо беришлари мумкин.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 35-моддасига кўра дастлабки тергов ҳаракатлари прокуратура идоралари томонидан ҳам амалга оширилишини эътиборга олсак, прокуратура терговчисининг хатти-ҳаракати ва қарорлари устидан берилган шикоятни прокурор томонидан кўриб чиқилиши фуқароларнинг ушбу шикоятнинг адолатли ва холис кўриб чиқилишига ишончининг сусайишига ва норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Хусусан, 2017-2018 йилларда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриш натижаларига кўра уларнинг 15,6 фоизигина қаноатлантирилган. Натижада суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар жиноят иши судда кўрилиши давомида судлар томонидан бартараф этилган.

Жумладан, 2018 йил давомида жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан 48 565 нафар шахсга нисбатан 38 069 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 819 нафар шахс (1,7%) оқланган, 3193 нафар шахс (6,6%) суд залидан қамоқдан озод қилинган, 8144 нафар шахсга (16,8%) нисбатан дастлабки терговда қўйилган айблов ўзгартирилган, 351 нафар шахсга нисбатан 238 та жиноят иши (0,5%) қўшимча ўрганиш учун қайтарилган, 3095 нафар шахсга (6,4%) нисба-

тан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган.

Суриштирув ва дастлабки тергов идораларида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини холис суд томонидан зудлик билан ҳимоя қилиш чораларини кўриш мақсадида суриштирув, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш босқичида суд назоратини жорий қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор, жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга арз қилишга қаратилган процессуал тартиб ўрнатилиши лозим бўлади.

Аксарият ривожланган хорижий давлатларда жиноят ишини мазмунан кўриб чиқувчи судьядан ташқари, алоҳида судьялик лавозими ҳам жорий қилинган бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи суриштирув, тергов ва жазони ижро этиш ҳаракатлари устидан келиб тушган шикоятларни ҳамда илтимосномаларни кўриб чиқади.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига биноан "тергов судьяси" институти жорий қилинган бўлиб, у биринчи инстанция судининг судьяси сифатида фаолият олиб боради ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга оширади. Ушбу институт Қозоғистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 январдаги 620-сон Фармони асосида ташкил этилган.

Тергов судьяси судга қадар бўлган иш юритув жараёнида қамоққа олиш, уй қамоғи, лавозимдан вақтинчалик четлаштириш, яқинлашишни таъқиқлаш, ошкор этилмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш, гаров қўллаш, мол-мулкни хатлаш, мурдани эксгумация қилиш, гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан халқаро қидирув эълон қилиш каби масалаларга санкция бериш ваколатини амалга оширади.

Шунингдек, тергов судьяси суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятларни, тез бузиладиган ёки узоқ сақлаш катта маблағ талаб қиладиган ашёвий далилларни реализация қилиш, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини сақлаш, судгача бўлган даврда процессуал мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларга жарима қўллаш (адвокат ва прокурордан ташқари), жиноят иши бўйича процессуал чиқимларни ундириш, адвокатнинг илтимосномасига кўра жиноят ишига тааллуқли бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки ашёни талаб қилиб олиш ва ишга қўшиб қўйиш, шунингдек илгари адвокат томонидан сўроқ қилинган ва иштирокини таъминлаш қийин бўлган гувоҳни тергов маҳкамасига мажбурий тартибда келтириш, судгача тергов органининг асослантирилган илтимосномасига кўра шахсни унга нисбатан ошкора бўлмаган тергов ҳаракатлари олиб борилгани тўғрисида хабардор қилиш муддатини бир йилга узайтириш ёки ушбу шахсни хабардор қилмаслик бўйича рухсат бериш масалаларини кўриб чиқади.

Тергов судьяси ўзининг ваколатига кирувчи масалаларни якка тартибда суд муҳокамасини ўтказмасдан кўриб чиқади. Зарур ҳолларда, шунингдек адвокат ёки прокурорнинг илтимосига кўра ишлар суд мажлисида тегишли шахслар иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 6, 26, 41-моддаларига мувофиқ жиноий таъқибни амалга оширувчи судья ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа суд инстанцияларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. У суд назоратини қуйидагилар орқали амалга оширади:

1) шахсни дастлабки ёки уй қамоғига олиш, ушбу чораларни ўзгартириш, тўхтатиш ёки бекор қилиш;

2) ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсни вақтинчалик озод қилиш ёки



уни бекор қилиш, шунингдек шахсни ҳайдовчилик ҳуқуқидан вақтинчалик маҳрум қилиш;

3) тинтув, гувоҳлантириш, мол-мулкни хатлаш, давлат, тижорат, банк сири ҳисобланган ашёларни олиб қўйиш, мурдани эксгумация қилиш;

4) шахсни тиббий муассасага жойлаштириш;

5) хабарларни эшитиш, почта жўнатмаларини ва видеоёзувларни ушлаб қолиш, ўрганиш, тақдим қилиш, кўздан кечириш ёки олиб қўйишга рухсат бериш;

6) дастлабки терговни тезлаштириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш;

7) прокурор ваколатига кирувчи махсус қидирув тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги прокурорнинг илтимосномасини кўриб чиқиш;

8) тарафларнинг юқори турувчи прокурорнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятларини кўриб чиқиш;

9) маҳкум экстрадиция қилинган ҳолларда суд қароридан айбловнинг айрим бандларини олиб ташлашни кўриб чиқиш.

Қирғизистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ тергов судьяси судгача иш юритув даврида қуйидаги қарорлар қабул қилишга ваколатли ҳисобланади:

1) шахсни, гумонланувчини жиноят содир этганлиги учун ушлашнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисида;

2) эҳтиёт чораси қўллаш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисида;

3) ҳибсга олинмаган гумон қилинувчи, айбланувчини тегишли экспертиза ўтказиш учун тиббий ёки психиатрия стационарига жойлаштириш;

4) мол-мулкни хатлаш ёки уни бекор қилиш;

5) айбланувчини лавозимидан вақтинчалик четлаштириш;

6) марҳумнинг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғининг розилиги бўлмаган ҳолларда мурдани эксгумация қилиш;

7) турар-жойни ва бошқа объектларни кўздан кечириш тўғрисида, агар унда мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ асосида истиқомат қилувчи шахсларнинг розилиги олинмаган ҳолларда;

8) олиб қўйиш ва (ёки) тинтув ўтказиш тўғрисида;

9) шахсий тинтув ўтказиш тўғрисида;

10) ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда махсус тергов ҳаракатлари ўтказиш тўғрисида.

Суд назоратини амалга оширишда тергов судьяси жиноий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг суриштирув органи ваколатли мансабдор шахсининг, терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан берилган шикоятларини кўриб чиқади.

Шунингдек, тергов судьяси:

агар шахс узрли сабабга кўра суд мажлисига кела олмаса ёки унга такроран психологик таъсир ўтказилишини истисно қилиш мақсадида судгача иш юритиш босқичида унинг кўрсатмаларини йиғиб бориш;

агар айбланувчи ушбу Кодексда белгиланган тартибни бузган ҳолларда гаровни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Наврўз БАРАТОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Самарқанд шаҳар судининг судьяси:

– Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, у мудом изланишга, малакасини ошириб боришга муҳтождир. Бу замонга ҳамнафасликнинг муҳим шарти. Айниқса, судьялар инсон тақдири, давлат ва жамият тараққиёти билан боғлиқ турли масалалар юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳукм чиқаришига тўғри келгани боис қонунчиликдаги ва амалиётдаги янгиликлардан хабардор бўлиб бориши талаб этилади. Судьялар олий мактабида шу мақсадда ташкил этилган ўқув курслари биз учун айни муддао бўлди.

Ўқув машғулотлари давомида ўқитувчиларнинг мавзуга мисоллар билан ёндашиши менга жуда ёқди. Бу ўрганган назарий билимларимизни амалиётда тадбиқ этишимизга қўл келади. Шунингдек, жараёнда турли муаммоли ишларни кўриб чиқишнинг қонуний асослари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Шу аснода суд амалиётидаги муаммоларнинг ечимига, меҳнат фаолиятимиз давомида иккиланишларимизга сабаб бўладиган саволларга ҳам жавоб топдик.

Бизга асосан юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш билан боғлиқ мавзулар кенг тушунтирилди. Ўйлайманки, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар билан боғлиқ муаммоли мавзуларга янада кўпроқ эътибор қаратилса, тингловчилар учун ўқув машғулотларининг фойдалилик жиҳати янада ошган бўларди.

гувоҳ, жабрланувчи ва жиноий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш бўйича қарор қабул қилиш;

ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги процессуал келишувни тасдиқлаш каби ваколатларни амалга оширади.

Тергов судьяси ишни кўриш давомида суд муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин бўлган масалаларни олдиндан ҳал этиши, тергов олиб бориш йўналиши ва тергов ҳаракатлари ўтказиш бўйича кўрсатмалар бериши, судга қадар иш юритиш босқичидаги масъул шахслар ва назорат олиб борувчи прокурор ўрнига ҳаракатларни амалга ошириши ва қарорлар қабул қилиши таъқиқланади.

Франциянинг жиноят процессуал қонунчилигига кўра судья тергов судьяси сифатида қатнашган жиноят ишини судда кўришда иштирок эта олмайди. Шунингдек, тергов судьяси фақат туман прокурорининг тақдимномаси асосида тергов олиб бориши ҳам мумкин.

Францияда оғир жиноятлар учун суд терговини ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Прокурорнинг илтимосига кўра майда ҳуқуқбузарликлар учун ҳам дастлабки суд тергови ўтказилиши мумкин.

Агар суд тергови даврида айблов билан қамраб олинмаган ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолларда, судья дарҳол бу ҳақда прокурорни хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолларда прокурор тергов судьясига қўшимча фактларни тергов қилиш ҳақида алоҳида тақдимнома билан мурожаат қилиши ёки алоҳида терговни бошлаши, ишни биринчи инстанция судига юбориши, тергов тайинлаши, ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши, ваколатли прокурорга шикоятни ёки расмий ҳисоботларни тақдим этиши мумкин.

Тергов судьяси тергов жараёнида ҳақиқатни аниқлаш бўйича барча чораларни кўриши, жумладан гумонланувчининг фойдасига ёки зарарига бўлишидан қатъи назар барча далилларни тўплаши шарт. Тергов ҳаракатлари тугагани ҳақида хулосага келган судья гумонланувчини озод қилиш ёки уни жиноят суди ёки маслаҳатчилар суди муҳокамасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Тергов судьялари ишни ўз ташаббуслари билан кўра олишмайди. Ишлар давлат айбловчиси ёки жабрланувчи томонидан берилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мазкур институтнинг жорий қилиниши натижасида жиноят ишини қўзғатиш босқичидан бошлаб суриштирув ёки дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни барвақт аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш, фуқароларни асоссиз айблаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний чеклашга йўл қўймаслик кафолатланади, мамлакатимизда “habeas корпус” институтини янада ривожлантириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг янада мустаҳкамланишига эришилади.

Ўринли маслаҳат



Бир куни кўчада сайр қилиб юрган киши йўл четида ўтирган кекса одамни кўриб қолди. У мўйсафиднинг қаршисига келиб, мурожаат қилди:

– Отахон, улуғ ёшли инсон экансиз, анчагина узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтгансиз. Шубҳасиз, жуда доно бўлсангиз керак. Айтинг-чи, мана, мен ёш ва кучлиман-у, аммо ҳеч қаердан иш топа олмаяпман, ўғлим гиёҳвандликка берилди, қизимни ҳам яхши тарбиялай олмаяпман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса-да, ҳатто саришталикка ҳам қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл тутишим керак? Нима қилсам, буларнинг ҳаммасини ўзгартира оламан?

Қария жавоб берди:

– Эшигинг устига кичкинагина тахтача осиб, унга "Ҳамиша шундай бўлавермайди" деб ёзиб қўй.

– Шу холосми? – ҳайрон бўлди эркак.

– Шу холос, – жавоб қилди кекса киши.

У уйига бориб, қария айтгандек қилди. Бир қанча вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳвандликни ташлади ва ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тан олиб, тавба қила бошлади. Қизи ёш йигит билан яхши кўришиб, оила қурди. Аёли ҳам ўзгарди ва рисоладаги бекага айланди. Эркакнинг ўзи эса сердаромад ишга жойлашди ва кўп ўтмай, ҳатто машина сотиб олди.

Кунларнинг бирида у таниш кўчадан ўтиб бораётиб, икки йилча олдин кекса мўйсафидни учратган жойида тўхтади. Қария ҳали ҳам шу ерда ўтирганди. Эркак унинг олдига яқинлашаркан, машинадан тушмаган ҳолда, унинг ойнасини очиб, сўз қотди:

– Ҳа, бобой, ҳалиям ўтирибсизми? Мен бўлса, кўриб турганингиздек, анча нарсага эришдим. Ўғлим гиёҳвандликни ташлади, энди у тақволи йигит, қизим севиб, севилиб турмушга чиқди. Аёлим ҳам яхши рафиқага айланди. Ўзим ишга жойлашдим ва энди ишхонамда мартабали бошлиқман. Сиз эса ҳалиям ўшандек ўтирибсиз, нўноқ чол! Хўш, энди менга нима деб маслаҳат берасиз?

Бу гаплардан қариянинг чехраси ўзгармади, аксинча, у суҳбатдошига хотиржам тикилганча, деди:

– Ҳалиги тахтача бор эди-ку, шуни олиб ташламагин…

СУДЬЯ ҚАНДАЙ ҚЎШИМЧА ФАОЛИЯТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ МУМКИН?

(УЧИНЧИ МАҚОЛА)

Одил НОРМАҲМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раисининг ўринбосари

Раҳимқул ТОШБОЕВ,
Судьялар олий мактаби бош мутахассиси

Хабарларингиз бор, журналимизнинг 2018 йил 7-сонидан бошлаб янги таҳрирда қабул қилинган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексида назарда тутилган қоидалар ва унинг аҳамияти тўғрисида туркум мақолаларни бера бошладик.

Эътиборларингизга тақдим қилинаётган ушбу учинчи мақолада судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти доираси тўғрисида сўз юритамиз.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси 3-моддаси.

Суд ишларини амалга ошириш суд фаолиятининг бошқа турларига нисбатан устувор хусусиятга эга.

Судья сенатор, депутат бўлиши, сиёсий партияларга аъзо бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья судьялар жамоат бирлашмаларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларни эгаллаши мумкин.

Судья суд ишлари, аризалар, илтимосномалар ва шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ишларида иштирок этади.

Амалдаги қонунчилик судьянинг илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланишини чекламайди. Шу билан бирга, судья ижодий ишлар билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 65-моддасига кўра, судьялар уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьянинг бундай фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи “Судьяларнинг хулқ-атворига оид Бангалор принциплари”да ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, ушбу халқаро ҳужжатнинг 4.11-бандига кўра, судья ўзининг мажбуриятларини лозим даражада бажарган тақдирда қуйидагиларга ҳақли:

a) адабий, педагогик фаолият билан шуғулланишга, маърузалар ўқишга, ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни юритиш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ фаолиятда иштирок этишга;

b) ишларни оммавий эшитишларда расмий орган олдида ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни юритиш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларда чиқишлар қилишга;

c) расмий орган, ҳукумат қўмитаси, комиссияси, маслаҳат органига аъзо бўлишга, агар бундай аъзолик судьяга бегараз бўлиб қолиш ва сиёсий бетарафлик позициясини сақлаб қолиш имконини берса; ёки

d) бошқа фаолият билан шуғулланишга, агар бу судьялик лавозимининг юксак мақомига мос келса ва қандайдир даражада унга ўзининг судьялик мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаса.

Шунингдек, ушбу халқаро ҳужжатнинг 4.13-бандига кўра судья судьялар ассоциа-

циясини таъсис этишда иштирок этишга ёки унга аъзо бўлишга, судьялар манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотларга аъзо бўлишга ҳақли.

Агар эътибор берадиган бўлсак, судья ўзининг мажбуриятларини лозим даражада бажарган тақдирдагина ва беғараз бўлиб қолиш, сиёсий бетарафлик позициясини сақлаб қолиш имконини берса ёки судьялик лавозимининг юксак мақомига мос келса ва қандайдир даражада унга ўзининг судьялик мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаса, қонун ҳужжатларига кўра рухсат берилган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг судьяси А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ҳафтасига 8 соат дарс бериш билан ҳам шуғулланар эди. Шу билан бирга, ушбу судьянинг иш юритувида кўп эпизодли жиноятларни содир қилганликда айбланган 4 нафар судланувчига оид мураккаб жиноят иши мавжуд эди.

Судья дарс бериш билан шуғулланаётганлиги сабабли, мазкур жиноят ишининг судда муҳокама қилиш муддатини 4 ойгача узайтириш юзасидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раисига мурожаат қилди.

Ўз навбатида суд раиси ушбу судьяга унинг педагогик фаолияти мазкур жиноят ишини қонунда белгиланган икки ойлик муддатда кўриб чиқишига тўсқинлик қилмаслиги лозимлигини ва бундай асосга кўра ишни муҳокама қилиш муддатини узайтирмаслигини маълум қилди.

Шу билан бирга, А.га судьялик мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмасагина педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкинлиги юзасидан маслаҳат берди. Ушбу мисолдаги суд раисининг судья А.га берган маслаҳатларини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Чунки, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси 3-моддасига кўра, суд ишларини амалга ошириш суд фаолиятининг бошқа турларига нисбатан устувор хусусиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасида судьялар учун хизмат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор чекловлар белгиланган.

Жумладан, судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Хўш, судьяларга нисбатан ушбу чекловлар нима мақсадда ўрнатилган, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Ушбу саволга биз жавобни БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги ва 1985 йил 13 декабрдаги резолюциялари билан маъқулланган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»нинг 1-бандидан ҳамда

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Байрамбек БЕКМУРАТОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси:

– Судьялар олий мактабида ўқув машғулотларига назарий ва амалий жиҳатлардан ёндашилганлиги, мавзуларнинг содда тилда етказилиши бизнинг билим ва кўникма олиш имкониятларимизни кенгайтирди. Шунингдек, мавзулар мисоллар асосида ёритилиши, суд жараёнларининг образли кўрсатилиши ва суд мажлисларидаги хато ва камчиликларнинг муҳокама этилиши, уйга вазифаларнинг амалиёт билан боғлиқлиги эътироф этарли воқеа бўлди.

Ўқув курсида иш бўйича тарафларга психологик ёндашишни, низолар бўйича қонунларни аниқ ва тўғри қўллашни (умумий нормалардан ташқари), суд ҳужжатларидаги хато ва камчиликларни бартараф этишни, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ва ундаги қарама-қаршиликларга дуч келганда вазиятни тўғри баҳолай олишни ўргандик.

Бундан кейинги ўқув курсларида машғулотларнинг жонлилиги ва баҳс-мунозараларни кучайтириш учун бекор бўлган ёки ўзгартирилган ҳал қилув қарорлари муҳокамага қўйилса яхши самара берарди. Қолаверса, жамиятда янги муносабатлар пойдевори бўлмиш янги институтлар вужудга келмоқда. Бу эса қонунчиликда ҳали ифода этилмаган жиҳатлар ҳам пайдо бўлишини англатади. Шунинг учун қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш ва уни бартараф қилишга доир мавзуларга ҳам етарлича ўрин ажратилиши керакка ўхшайди. Айниқса, мамлакатимиз дунёга очилаётган бир пайтда, судьяларга халқаро ҳуқуқий муносабатлар туфайли келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишни ўргатиш ҳам долзарб.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасидан топамиз.

Яъни, «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»нинг 1-бандига кўра, суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституциясида ёки қонунларида мустаҳкамланади. Барча давлат ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши шарт.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Демак, амалдаги қонунчиликда белгиланган ушбу чекловлар судьянинг мустақиллигини таъминлашга, яъни унинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек муайян корхона, ташкилот ёки муассаса таъсири доирасига тушиб қолишидан сақлашга хизмат қилади.

Агарда судья сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати ёки сиёсий партияларнинг аъзоси бўлса ёхуд сиёсий ҳаракатларда иштирок этса, унинг ушбу сиёсий фаоллиги муайян бир сиёсий қарашлар, принциплар тарафдорига айланишига ва муайян бир сиёсий гуруҳларнинг қарамлигига ёки таъсирига тушишига ҳамда ушбу сиёсий гуруҳларнинг манфаатини ҳимоя қилишига олиб келади.

Ёки бўлмаса, судьянинг илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши, унинг ушбу фаолият турларидан келадиган моддий манфаатдорликка бўлган қизиқишининг ортишига ва ўзига ҳақ тўлаётган муайян корхона, ташкилот ёки муассаса манфаатларини кўзлаб иш тутишига сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатлар эса, ўз навбатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи сўзсиз таъминланишини, судьянинг беғаразлигини, холислигини ва адолатлилигини шубҳа остига қўяди.

Масалан, дейлик қонунчиликда бу борада чеклов мавжуд бўлмаганлиги сабабли, Қашқадарё вилоят иқтисодий судининг судьяси В. шартнома асосида акциядорлик тижорат «Асака» банкининг Қарши шаҳар филиалига ҳуқуқий маслаҳатлар берган ва бунинг эвазига ҳақ олиб келган.

Кейинчалик, унинг судьялик иш юритувига кредит масаласида юзага келган низо бўйича мазкур банк филиалига нисбатан «Омад» хусусий фирмасининг даъво аризаси келиб тушган.

Судья В. «Омад» хусусий фирмасининг даъво аризасида келтирилган важлар асос-

ли бўлишига қарамасдан, ушбу банк филиалига шартнома асосида ҳуқуқий маслаҳатлар бериши ва бунинг эвазига ҳақ олиши сабабли, даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилган. Бу каби ҳолат тарафларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади ва судьянинг бегараз, холис ва адолатли эмаслигини кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, судьялар уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра судья судьялар жамоат бирлашмаларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларни эгаллаши мумкин.

Яъни, судья судьялар ассоциацияси ёки судьялар манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотларга аъзо бўлиши ёхуд жамоатчилик асосида муайян лавозимни эгаллаши мумкинлиги баробарида, бундан иш ҳақи олиш ёки бошқа хил моддий манфаатдор бўлмаслиги лозим.

Суд ишларига оид аризалар, илтимосномалар ва шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ишларида иштирок этиш судьянинг одил судловни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ вазифаларидир.

Хусусан, судьянинг суд ишларига оид аризалар, илтимосномалар ва шикоятларни кўриб чиқиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларида белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари суд амалиётини умумлаштиради.

Судья ушбу вазифани амалга ошириш асосида қонун нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ягона суд амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, умуман олганда одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан келгусида қандай ишларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб олади.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси ЖКнинг 169-моддаси (ўғирлик жиноятиг)га асосан кўрилган ишлар юзасидан суд амалиётини умумлаштирган.

Умумлаштириш давомида, айрим туман судлари томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда бир қатор моддий ва процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Умумлаштириш натижалари вилоят суди раёсатининг йиғилишида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатилиб, келгусида уларни такрорламаслик юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган. Бу эса ўз навбатида, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шу сабабли, судьянинг суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ишларида иштирок этиши муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни;
3. «Судьяларнинг хулқ-атворига оид Бангалор принциплари»;
4. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги ва 1985 йил 13 декабрдаги резолюциялари билан маъқулланган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари».

ДАЪВО АРИЗАСИНИ ИШ ЮРИТИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ВА ҚАЙТАРИШ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Назокат БАЙЗАҚОВА,
Судьялар олий мактаби бош мутахассиси

Умумлаштиришдан кўзланган асосий мақсад – даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтаришга олиб келадиган низоларни кўриб чиқишдаги суд амалиётини таҳлил этиш ва мавжуд муаммога амалий ечим топишдан иборатдир.

Умумлаштиришда 2018 йилнинг 9 (тўққиз) ойи давомида суд амалиёти ўрганилиб, иш юритишга қабул қилиш рад этилган ва қайтарилган даъво аризалари бўйича ишларни апелляция ва кассация тартибида кўрилганда аниқланган баъзи бир хато ва камчиликларга эътибор қаратилди.

Статистик маълумотларга кўра, иқтисодий судлар томонидан 2018 йил 1 апрелдан 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 902 та даъво аризасини қабул қилиш рад қилинган ва 14706 та даъво аризаси иш юритувига қабул қилинмасдан қайтарилган.

МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш масаласи иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Иқтисодий судлар томонидан даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш амалиётида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш билан бирга баъзи ҳолларда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Низо судга тааллуқли эмаслиги даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

Даъвогар туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар унитар корхонага нисбатан 2018 йил 30 январдаги акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш баённомасининг 4-бандини ҳақиқий эмас деб топиш, акцияларни қайта баҳолаш ҳамда даъвогарга тегишли акцияларнинг ҳақиқий бозор қийматини ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан низо судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад қилинган.

Шу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига киритилган.

“Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш баённомасининг низоли бандини ҳақиқий эмас деб топиш, акцияларни қайта баҳолаш ҳамда даъвогарга тегишли акцияларнинг ҳақиқий бозор қийматини ундириш ҳақида”ги талаб иқтисодий судга тааллуқлими — деган савол туғилади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлиб, ИПКнинг 30-моддасида корпоратив низолар

бўйича ишлар жумласига қайсилар кириши белгиланган. Бундан хулоса қилиш мумкин-ки, акцияларни қайта баҳолаш ҳамда даъвогарга тегишли акцияларнинг ҳақиқий бозор қийматини ундириш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги 262-сонли "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарорининг 14.1-бандида акциядорлар умумий йиғилишининг қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур Пленум қарорининг 17-бандига асосан акциядорлик жамияти бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланади. Даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув органи кўрсатилганлиги, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд ИПКнинг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (кейинги ўринларда АЖ тўғрисидаги Қонун) 73-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни (кейинги ўринларда МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 35-моддасида иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шартлиги белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 41-моддасига асосан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Акмалжон МАМАТОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг раиси:

– Судьялар олий мактабида ўтган икки ҳафталик ўқув курси давомида жуда кўп билим ва малака ўргандим. Рости, бунчалик қисқа муддат ичида ўқув машғулотлари бу қадар самарали бўлишини кутмагандим.

Ўқишнинг дастлабки кунларида юридик фанлар докторлари, профессор-ўқитувчилар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқур таҳлилий, илмий асослар билан тушунтириб берди. Судьялар одоб-ахлоқ кодекси, суд этикасидаги халқаро тажрибалар ҳақида ҳам аниқ ва мазмунли тасаввур уйғотилиши, айтиш мумкинки, кейинги фаолиятимизда ўзимиз учун мустаҳкам мезонларни белгилаб олишга ундади.

Мен 2010 ва 2015 йилларда Юристлар малакасини ошириш марказидаги ўқув курсларида қатнашганман. Судьялар олий мактабидаги бу ўқув курслари улардан жуда фарқ қилади. Масалан, ушбу ўқув курсларида психология фанининг умумий асосларда эмас, касбимизга ихтисослаштириб ўтилиши биз учун айни муддао бўлди. Унда низоларнинг келиб чиқиши ва иш жараёнида низоларни ҳал қилишни психологик жиҳатдан ўргандик. Шунингдек, стрессли ҳолатларда судьянинг ўзини тута билиши, муомала маданияти, вақтни бошқариш санъати, иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш тартиблари ўргатилгани биз учун жуда манфаатли бўлди.

қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шунингдек, жамият кузатув кенгашининг, жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг, жамият коллегиал ижро этувчи органининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг, жамият устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори жамият ана шу иштирокчисининг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, баённомани (тўлиқ ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш талаби судга тааллуқли эмас, бироқ, юқорида келтирилган АЖ тўғрисидаги ва МЧЖ тўғрисидаги қонунларда умумий йиғилишда қабул қилинадиган қарорлар баённома билан расмийлаштирилиши белгилаб қўйилганлигидан келиб чиқиб, суд баённомани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилинганда мазкур даъво аризасини иш юритувига қабул қилган ҳолда суд мажлисида айнан қарор ёки баённомани ҳақиқий эмас деб топиш сўралганлиги бўйича аниқлик киритиши лозим бўлади.

“Фонд”ни тугатиш талаби иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладими?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юритилади)нинг 53-моддасига кўра унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан таъқиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари бундан мустасно, ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонунининг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 3-моддасида юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилиши белгиланган.

Қонуннинг 37-моддасига кўра жамоат фондини тугатиш манфаатдор шахсларнинг аризасига асосан суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади)нинг 2-бандига асосан ННТни ихтиёрий тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан, мажбурий тугатиш эса суд қарори асосида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган қонун талабларидан келиб чиқиб,“Фонд”ни тугатиш талаби иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг шаҳар ва вилоят ҳудудий бошқармалари банкларнинг филиаллари манфаатида даъво аризаси киритишлари мумкинми?

ФКнинг 47-моддасига кўра ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

ИПКнинг 43-моддасида белгиланганидек, даъвогар (аризачи) ва жавобгар иқтисодий суд ишларини юритишдаги тарафлардир.

Ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этган ёки манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар даъвогарлардир. Даъво ёки билдирилган талаб тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар жавобгарлардир.

Палата филиал манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиши мумкин эмас, чунки, банк филиаллари Бош ишончнома асосида фақатгина банк номидан шартнома имзолаш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолатда суд даъво аризасини ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш юритишга қабул қилишни рад этиши лозим бўлади.

Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ишни юритишни тугатиш тўғрисида ажрими ёхуд фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори ёки келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажримнинг мавжудлиги даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

Даъвогар Якка тартибдаги тадбиркор иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар масъулияти чеклан-ган жамияти ҳисобидан 6.120.000 сўм асосий қарз, 642.800 сўм ҳисобланган фоиз, юридик хизмат учун тўланган 500.000 сўм ундиришни сўраган.

Мазкур тарафлар ўртасида 6.120.000 сўм ундириш талаби бўйича туманлараро иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлганлиги сабабли, туманлараро иқтисодий суд томонидан ажрим билан ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад қилинган.

Суд даъво аризасини иш юритувига қабул қилишни рад этиш бўйича нотўғри хулосага келган.

Апелляция инстанция суди томонидан аниқланган ҳолатлардан кўринишича, МЧЖ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ятт ҳисобидан шартномага асосан вужудга келган 8.425.000 сўм қарздорликни ундиришни сўраган ва ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган, бироқ, суд мажлиси жараёнида якка тартибдаги тадбиркор томонидан МЧЖ раҳбарининг талаби билан 2017 йил 23 мартдаги 3-сонли тўлов топшириқномаси билан 2.000.000 сўм, 2017 йил 23 мартдаги 4-сонли тўлов топшириқномаси билан 200.000 сўм, 2017 йил 18 майдаги 2-сонли тўлов топшириқномаси билан 720.000 сўм, 2017 йил 24 августдаги 0000000009-сонли тўлов топшириқномаси билан 3.200.000 сўм, жами 6.120.000 сўм тўлаб берилганлигини инобатга олиш сўралганда, суд томонидан тўлов топшириқномаларида тўлов мақсади шартнома эканлиги кўрсатилмаганлиги сабабли, мазкур талаб билан алоҳида судга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган. Шундан сўнг Ятт туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ ҳисобидан 6.120.000 сўм асосий қарз, 642.800 сўм ҳисобланган фоиз, юридик хизмат учун тўланган 500.000 сўм ундиришни сўраган.

Мазкур ҳолатда даъво асоси тарафлар ўртасидаги шартнома эмаслиги ва ушбу талаб суд томонидан мазмунан кўрилмаган-

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Гулчеҳра ОПАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг судьяси:

– Судьялар олий мактабидаги ўқув жараёнлари амалий машғулотларга бой бўлди. Тингловчилар назарий дарслардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий судига бориб, ҳудудлари бўйича ўзларига бириктирилган судьялар ёрдамида ўрганган билимларини амалда қўллаш механизмларини такомиллаштирдилар. Айни вақтда Олий суд судьялари ҳам Олий мактабдаги ўқув машғулотларига келиб, ўта долзарб бўлган уй-жой, ер, мерос, битим ҳамда оммавий низолар билан боғлиқ бўлган фуқаровий масалалар бўйича дарс ўтишлари бизни жуда мамнун қилди. Айниқса, Олий суд судьяси И.Болтаходжаеванинг "Бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш билан боғлиқ низолар" мавзусида ўтган дарсидан фаолиятимиз учун керак бўладиган кўпгина янги жиҳатларни ўргандим.

Юқорида келтириб ўтилган масалаларда бир қарорга келиш осон эмас. Биздаги миллий менталитет ва ўзбекона қарашлар ушбу жараёнда етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесишни талаб этади. Озгина адашиш ҳам оилавий низоларни бартараф этиш ўрнига, уни баттар кучайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун бу йўналишда қанчалик тажриба орттирсак, амалиётда ўзимизга осон бўлади.

Мутахассис ўз соҳаси бўйича билмаганларини ўрганган кунини байрам ҳисоблайди. Шу маънода, икки ҳафталик ўқув машғулотлари бизга байрамдек татиди. Олган билим ва малакаларимиз келгусидаги фаолиятимизда адолатли қарорлар қабул қилишимиз учун маёқ вазифасини ўтайди.

лиги сабабли, даъво аризаси иш юритувига қабул қилиниши лозим эди.

Даъво аризасининг ИПК 149-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаганлиги даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш учун асос бўлади.

Даъвогар иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздорни банкрот деб топишни ва тугатиш ишларини бошлашни сўраган.

Суд томонидан кредиторга нисбатан ижро ишлари якунига етмаганлиги сабабли, ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра даъво аризаси қайтарилган.

ИПКнинг 210-моддасида юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилиши назарда тутилган.

ИПКнинг 211-моддасида банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, аризага банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни 45-моддасининг олтинчи қисмига кўра, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37-44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилинади, етишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Қонуннинг 41-моддасида кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари ушбу модданинг учинчи қисмида кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига, агар бор бўлса, кредиторнинг қарздорга бўлган талабларини кўриб чиққан суд қарори ва ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши назарда тутилган.

Бироқ, ижро ҳаракатлари якунига етмаганлиги аризани қайтариш учун асос бўлиши қонунда белгиланмаган.

Шу асос билан кассация инстанция суди аризани иш юритувига қабул қилиш лозимлиги ҳақида хулоса қилган.

Даъво аризаси имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг қайтарилишига олиб келади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида судга жавобгарга нисбатан даъво аризаси киритиб, етказиб берилган маҳсулот учун тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли, вужудга келган 5.000.000 сўм асосий қарз, 2.500.000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Мазкур даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг даъво аризасини имзолаш ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинмаганлиги сабабли суд томонидан қайтарилган.

"Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига кўра Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс бўлиб, у Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Шу боис, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқарма бошлиқларига тадбиркорлик субъектлари манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда ишончнома талаб этилмайди.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш бўйича қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш билан боғлиқ суд амалиётини ўрганиш, шунингдек, бу борадаги муаммоли масалаларни таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиқиб, судларга қуйидаги тавсиялар берилади:

- даъво аризаси билан юридик шахснинг ўзи эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) Бош ишончнома асосида мурожаат қилганда даъво аризасида юридик шахснинг номи кўрсатилиши кераклигига, бундан ташқари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёхуд унинг ҳудудий бошқармалари юридик шахс билан аъзолик шартномасини тузишини инобатга олган ҳолда Палата томонидан киритиладиган даъво аризалари филиал эмас, балки юридик шахс манфаатида бўлиши лозимлигига;

- корхонани банкрот деб топиш ҳақидаги аризаларнинг кўриб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунининг 41-моддасига кўра, кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши белгиланганлиги, Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисмига кўра, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37-44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтариши, ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза суд томонидан қабул қилиниши, етишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олиниши лозимлигига;

- "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига кўра Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс бўлиб, у Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатишини инобатга олиб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқарма бошлиқларига тадбиркорлик субъектлари манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда ишончнома талаб этилмаслигига;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган даъво аризаларини бир неча маротаба турли асослар билан қайтарилишини, сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида даъво аризасини иш юритувига қабул қилишни рад қилиш ва асосан даъво аризасини қайтариш ҳақидаги ажримда ҳар бир аниқланган камчиликлар бўйича асосларни келтирган ҳолда қайтарилишига эътибор қаратиш лозим бўлади.

ИШ ҲАҚИНИ НОРАСМИЙ РАВИШДА ТЎЛАШ: ҚОНУН, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Шуҳрат РАХМАНОВ,
Швециянинг Лунд университети тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди

(Давоми. Бошланиши 4-сонда.)

Иш ҳақини «конвертда» тўлашнинг иш берувчи ва ишчи-ходим учун ҳуқуқий оқибатлари.

Иш ҳақини «мақбуллаштириш»нинг норасмий «қора» ва «кулранг» схемаларини қўлловчи иш берувчилар солиқ органлари томонидан ўтказиладиган назорат текширувлари натижасида бу ҳолат фош бўлишига тайёр бўлишлари лозим. Меҳнат муносабатларининг айни шу жиҳати, биринчи навбатда, иш ҳақи тайинлаш ва тўлашни самарали тартибга солиш имконига эга. Ёлланма ишчи-ходим эса, ўз навбатида, амалда икки томонлама муносабатлар доирасида бундай ҳолатларга таъсир эта олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига мувофиқ, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ишчи-ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддасига мувофиқ, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ишчи-ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 155-моддасида қайд этилганидек, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ишчи-ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (2019 йил январь ойида у 577 172 сўмни ташкил этди).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 163-моддасида кўрсатилганларидан бошқа барча ҳолларда иш ҳақидан ушлаб қолиниши қонунга хилоф бўлиб, бунда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига мувофиқ жазоланади [16].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддаси биринчи қисмига мувофиқ [16], мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг (иш ҳақини «конвертда» бериш тарзида) бузилиши, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти (вазифаси), шунингдек уларни тўғри ҳисоблаганлик учун жавобгарлик меҳнат ҳақи тўловчи томонга, яъни иш берувчига юклатилади [17].

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

174-моддасига мувофиқ [16], солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил ичида ушбу ҳуқуқбузарликни анча миқдорда такрорласа, жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси биринчи қисмига мувофиқ [18], фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Бироқ таъкидлаш зарурки, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда фойда (даромад)ни қасддан яширганлик, камайтириб кўрсатганлик учун озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилмайди. Шунингдек, биринчи марта жиноят содир этган шахс давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувчи материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарган қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пеня ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 8-сон "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорининг 2-банди иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш — бу давлат солиқ органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузишдир [19].

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215^3-моддаси биринчи қисмига мувофиқ [16], солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тақдим этадиган орган ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Аҳрор СУЛАЙМОНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси:

– Дарс машғулотларининг интерфаол усулда ва инновацион технология воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтилгани менда юксак иштиёқ уйғотди. Тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб, таклифимиз ва талабимизга биноан қўшимча машғулотлар ўтказилиб, уларга малакали мутахассисларнинг жалб этилиши эса бизни хурсанд қилди.

Менинг суд амалиётида юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш билан боғлиқ муаммоли саволларим бор эди. Хусусан, ўлганлик фактини белгилаш ҳақидаги иш билан ўлимнинг қайд этилганлиги фактини белгилаш ҳақидаги ишлар ўртасидаги тафовут жуда аниқ тушунтирилди ва менинг бу борадаги саволларимга жавоб топилди.

Фикримча, дарс машғулотларини яна бир ҳафтага узайтириб, Адлия вазирлиги, нотариал идоралар, Адвокатлар палатаси, МИБ, РСЭМ вакиллари ҳам жалб қилинса, амалиётда ушбу идоралар вакиллари билан судьялар ўртасида юзага келаётган муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилади. Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари (айнан суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси, раис ўринбосари) билан суҳбатлар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

этиш тартибининг кўрсатилган ахборотни тақдим этмасликда, ўз вақтида тақдим этмасликда ёки бузиб кўрсатган ҳолда тақдим этишда ифодаланган бузилиши – энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Конверт» усулида иш ҳақи тўланганлиги учун нафақат иш берувчи, балки бу тартибда ишлаётган ёлланма ишчи-ходим ҳам жавобгардир. Амалдаги қонун ҳужжатларида ишчи-ходимга олган даромадининг миқдорини ўз ҳудудидаги солиқ инспекциясига билдириш ва мустақил равишда унинг 12 фоизи миқдорида солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қоидаларига мувофиқ «кулранг» ва «қора» иш ҳақи оладиган ишчи-ходимлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқларнинг тўланмаслиги ишчи-ходимга тўланмаган маблағларни мажбуран ундириш ва амалдаги даромадни яширганлик учун жарима солиш жазоси қўлланишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, иш берувчилар томонидан ишчи-ходимларни ноқонуний равишда ишга ёллаш ва «конверт» усулида ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий оқибатлари ниҳоятда кўп бўлиши мумкин. Солиқ органлари томонидан эса бу ҳолатларни аниқлаш юзасидан қатор чоралар кўрилмоқда ва харажатларни камайтиришга қаратилган ноқонуний моделларнинг аксарияти, аслида, сарфларни бир-неча баравар ошириши мумкин.

«Конвертда» иш ҳақи тўлаш ҳажмини камайтириш ва уни легаллаштириш билан боғлиқ чоралар.

Замонавий адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек, иш ҳақини «конвертда» бериш ўтиш даври иқтисодиётига асосланган мамлакатларда кенг тарқалган. Бу эса иш берувчилар ва ёлланма ишчи-ходимлар меҳнат ва солиқ қонунчилигига риоя этмасликлари, бунинг ўрнига расмий меҳнат шартномасининг қоидаларини бузиб, норасмий тарзда келишиб олишларининг натижасидир [7], [9], [10], [11], [20], [21].

Таргибот-ташвиқот чоралари. Қуйида ўтиш даври иқтисодиётига асосланган турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан «конвертдаги» иш ҳақи билан боғлиқ равишда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун давлат, иш берувчи ва ишчи-ходимнинг ўзаро муносабатларини, таъсир ўтказиш шартларини биргаликда барқарорлаштира олишининг турли ёндашув ва усуллари ёритилган.

Аввало, бунинг асосий усули – расмий ва норасмий институтлар билан боғлиқ ижтимоий нормаларга ўзгартишлар киритган ҳолда, яъни меҳнатга ҳақ тўлашда норасмий муносабатлардан фойдаланишни камайтириш ва бартараф этиш эвазига расмий муносабатларга ўтишни мақбул-

лаштириш лозим [9], [10], [11], [21], [21]. [22], [26].

Мазкур институтларга ўзгартишлар киритиш учун ҳукумат расмий бандликни оммалаштиришга ҳамда норасмий бандлик ва яширин иш ҳақи тўлашнинг мамлакат иқтисодиёти ва жамият ҳаётига таъсирининг салбий оқибатларини бартараф этиш асосидаги кучли безовталикка йўналтирилган учта сиёсий ёндашувдан фойдаланади. Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Солиқларни тўлашнинг муҳимлиги ҳақида ижтимоий таълим дастурларини амалга ошириш. Бунда солиқ тўловчиларда солиқларни тўлашга ички рағбатни ошириш мақсадида, улар амалга оширадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар эвазига келадиган давлат бюджети ҳисобидаги харажатлар, товарлар ва хизматлар ҳақида ахборот беришни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу иш берувчиларнинг ҳам, ишчи-ходимларнинг ҳам қадриятларини расмий қоидаларга мувофиқлаштириши лозим. Латвия Эркин касаба уюшмалари (Free Trade Union Confederation of Latvia (Latvian: Latvijas Brīvo arodbiedrību savienība; LBAS) томонидан ташкил қилинган ҳамда ёшларга солиқ тўлашнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб беришга ҳаракат қилган «SMARTS – a game for those who are in education» (Таълим олаётганлар учун ўйин)ни бундай солиқ таълими амалиётининг яхши мисоли сифатида келтириш мумкин [23].

Ижтимоий реклама кампаниялари. Ҳукумат ҳисоботларда иш ҳақи бўйича маълумотларни тўлиқ декларация қилишнинг афзалликларини кўрсатишда ижтимоий реклама кампанияларидан кенг фойдаланиши мумкин. Масалан, Эстонияда 2011 йилда ўтказилган «Тўланмаган солиқ из қолдирар» (Unpaid Taxes Will Leave a Mark) номли реклама кампаниясининг асосий ғояси давлатни қўллаб-қувватлаш барча фуқароларнинг бурчи эканлигига урғу берилишига қаратилган муваффақиятли амалиёт мисолидир. Жумладан, сўровда қатнашган Эстония фуқароларининг тахминан 65 фоизи реклама уларнинг солиқ тўловларининг муҳимлигидан хабардорлик даражасини оширганлигини таъкидлаган [24].

Иш берувчи ва ишчи-ходимлар учун мўлжалланган ёзма мурожаатномалар. Масалан, солиқ инспекциялари томонидан юборилган огоҳлантирувчи хат-хабарларда иш берувчилар ва ишчи-ходимлар ўз фаолиятини тегишли тарзда расмийлаштириб, олган даромадлари асосида белгиланган солиқ ва

бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширсалар, давлат томонидан боғча, мактаб ва касалхона сингари ижтимоий объект ва хизматларнинг етарли даражада молиялаштирилишини эслатиб туриш мумкин. Жумладан, касалхона ёки мактаб ташқарисида ўрнатилган «Бунинг ҳақи сизнинг солиқларингиз ҳисобидан тўланди» (Your taxes are paying for this) деган ёзув ва эслатмалар олдинга ҳаракатланиш усулларидан бири бўлади [25].

Формал институтларга келсак, бу ерда давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур. Бу ҳам камида учта қадамни ўз ичига олиши лозим.

Биринчидан, жамиятда процессуал адолат ва шаффофлик тубдан яхшиланиши лозим. Бунда солиқ органлари иш берувчи ва ишчи-ходимларни улар билан ўзаро ҳурмат ва қонунда белгиланган нормаларга риоя қилган ҳолда муносабатда бўлишларига ишонтириши зарур. Мухтасар айтганда, солиқ органлари ходимлари солиқ тўловчиларга нисбатан текширувчи орган эмас, балки уларга ҳамкор ва кўмакчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиши керак.

Иккинчидан, процессуал адолат ва беғаразлик таъминланиши керак, ана шундагина иш берувчи ва ишчи-ходимлар солиқларни адолатли ва бошқалар билан тенг тўлаётганига ишонадилар.

Учинчидан, адолатли тақсимотни яратишга ҳаракат қилиш зарур, бунда иш берувчи ва ишчи-ходимлар ўзларининг солиқ ва ижтимоий тўловларига мос даражадаги сифатга эга тегишли товар ва хизматларни олаётганликларини ҳис қилишади.

Норасмий институтлардан расмий институтларга ўтиш жараёнида тенгсизлик ошишига йўл қўймаслик мақсадида давлат, фуқаролар ва касаба уюшмалари вакиллари ўртасида мулоқотни рағбатлантирувчи

чоралар мажмуини жорий этиш зарур [11], [22], [26].

Юқорида келтирилган усул ва ёндашувлар кутилган натижаларга тезлик билан эришиш имконини бермаса-да, аммо уларнинг қўлланиши истиқболда меҳнат бозорида норасмий бандлик миқёсларини камайтириш доирасида вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтириш чоралари. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати хуфиёна иқтисодиётни рағбатлантириб келган меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан солиқ ставкалари ва тартиб-таомилларига ўзгартишлар киритиш орқали норасмий бандликни камайтириш учун фаол чоралар кўрмоқда. Жумладан, аҳолининг реал даромадларини ошириш, иш ўринлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида солиқ қонунчилигига 2019 йил 1 январдан эътиборан бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2019 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг амалдаги 4 та поғонали ставкалари ўрнига ягона 12 фоизлик ставка белгиланди ва Пенсия жамғармасига 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди ҳамда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 ва 15 фоиздан 12 фоизга (давлат ташкилотлари ва устав жамғармасида давлат улуши бўлган корхоналар учун аввалги 25 фоизли миқдори сақлаб қолинди) туширилди. Натижада, ҳисоб-китобларга қараганда, ишчи ходимларда 1 январдан бошлаб иш ҳақидан солиқ олиш тизими такомиллаштирилиши натижасида ўртача 6,5 фоиз ютиш имконияти юзага келди [27].

Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга кўра, тадбиркорлик субъектлари 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва (ёки) меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ва акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов суммасини қўшимча ҳисоблашдан озод қилиниши белгиланган [28].

Шундай қилиб, даромад солиғини камайтириш – давлатнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш томон ташлаган дадил қадами бўлиб, ишчи-ходимлар меҳнати учун иш ҳақи фондининг амалда ошиши бунга муносиб жавоб бўлади.

Иш ҳақини «конвертда» тўлаш устидан шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизимини ривожлантириш. Иш берувчи иш ҳақи тўлашда турли схемаларни қўллаган ҳолда ўз шахсий манфаати йўлида иш ҳақини «конвертда» тўлашининг оқибатлари (пенсия тўловларининг камайиши, суғурта стажини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар, таътил даври учун ҳақ тўланмаслиги, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинмаганлик, кредит олишдаги муаммолар ва ҳ.к.) аввало ишчи-ходимларга салбий таъсир қилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш масъулияти тўлиғича иш берувчига юклатилган. Агар иш берувчи ишга норасмий жойлашишни таклиф қилса ёки иш билан бандлигини расмийлаштирмасликка мажбурласа, ҳуқуқбузарлик ҳақида қуйидаги назорат органларига хабар бериш мумкин:

– давлат солиқ инспекциясига;

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги Давлат меҳнат инспекциясига;

– прокуратура органларига;

– судга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнат органларининг тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамалаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3913-сонли (2018 йил 20 август) қарорига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида тугатилаётган Давлат

ҳуқуқий инспекцияси ҳамда Давлат меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини экспертиза қилиш бўйича давлат инспекцияси негизида Давлат меҳнат инспекцияси ташкил қилинди [29]. Бундан кўзланган бош мақсадлардан бири бандликнинг расмий сектори улушини оширишдир.

Давлат меҳнат инспекцияси махсус органлар билан келишмаган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, давлат солиқ органларининг ёзма мурожаатлари асосида хусусий ташкилотлар ва давлат ташкилотларини «иш берувчи ва ишчи-ходимлар ўртасида меҳнат шартномалари йўқлиги («кулранг» схемалар бўйича ишга жойлаш ва «конвертдаги» иш ҳақи) борасида режадан ташқари қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан текширувлар ўтказиш чоғида коррупцияга йўл қўймаслик мақсадида текшириш учун йўлланмалар берилишини қайд этиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган, алоҳида ишонч телефони рақами ажратилган, шунингдек ёзма равишда ҳам ариза берилиши мумкин [30].

Юқорида баён этилганларга якун санаб, таъкидлаш мумкинки, фақат қонуний тарзда расмий схема бўйича ишлаш, «кулранг» ва «қора» схемалар бўйича тўловлар улушини изчил камайтириб бориш давлатга ҳам, иш берувчиларга ҳам, ишчи-ходимларга ҳам барқарор ривожланишни кафолатлаши мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати маош тўлашнинг қонуний схемаларини ривожлантиришдан, солиқ олинмайдиган даромадларни «соя»дан чиқаришдан тўлиқ манфаатдорлигини кўрсатмоқда. Иш ҳақига тушадиган солиқ юки камайиши ва ягона ижтимоий тўловлар бутун хусусий сектор учун 25 фоиздан 15 фоизга пасайиши сабабли, бизнес ва тадбиркорлик вакиллари ҳам иш ҳақи тўлашнинг «расмий» схемалари ривожланишидан ҳамда ҳар қандай бошқа схемалар бекор қилинишидан манфаатдор бўлишлари керак.

Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда очиқ-ошкора ва адолатли солиқ тизимини яратишга, шунингдек, бизнес ва тадбиркорлик вакиллари меҳнатга ҳақ тўлашда норасмий схемалардан воз кечиши ва ишчи-ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фондини қонунийлаштиришига рағбат уйғотади ҳамда иқтисодиётда жамғариш улушини кўпайтиради. Фуқароларнинг била туриб солиқ тўлашдан қочишига эмас, балки солиқларни ўз вақтида тўлаш фуқаролик бурчлари эканлигини, давлат бюджетига келиб тушаётган маблағ аҳоли фаровонлиги учун сарфланишини англаб етишларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

16. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. [Электрон ресурс] URL: http://www.lex.uz/acts/97664 (мурожаат этилган сана: январь 2019)

17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. [Электрон ресурс] URL: http://lex.uz/docs/1286558 (мурожаат этилган сана: январь 2019)

18. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. [Электрон ресурс] URL: http://www.lex.uz/acts/111453 (мурожаат этилган сана: январь 2019)

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 08-сонли "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори. [Электрон ресурс] URL: http://lex.uz/docs/22122, (мурожаат этилган сана: февраль 2019)

20. Morris, J., Polese, A. (eds). (2013). The Informal Post-Socialist Economy: Embedded Practices and Livelihoods. London: Routledge

21. Schneider, F., and Andreas B. (2017), Shadow Economy: Estimation Methods, Problems, Results and Open questions. [Электрон ресурс] URL: https://doi.org/10.1515/openec-2017-0001 (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)

22. Schneider, F., Williams, C. C. (2013). The Shadow Economy. London: Institute of Economic Affairs.

23. Karnite, R. (2013), SMARTS Student Competition, Latvia. [Электрон ресурс] URL: http://eurofound.europa.eu, (мурожаат этилган сана: февраль 2019, инглиз тилида)

24. Nurmela, K. (2013), Information Campaign on Tax Compliance, Estonia. [Электрон ресурс] URL: http://eurofound.europa.eu, (мурожаат этилган сана: февраль 2019, инглиз тилида)

25. Lill, L. and Nurmela, K. (2009), Notification Letters from Tax and Customs Board, Estonia. [Электрон ресурс] URL: https://eurofound.europa.eu, (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)

26. Horodnic, I.A. and Williams, C.C. (2018), Does Trust Prevent Undeclared Work? An Evaluation of the Social Actor Approach. [Электрон ресурс] URL: https://ssrn.com/abstract=3237430 (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)

27. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-508-сон 24.12.2018. [Электронный ресурс] URL: http://lex.uz/pdfs/4123675 (мурожаат этилган сана: февраль 2019)

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори. ПҚ-4086-сон 26.12.2018. [Электрон ресурс] URL: http://lex.uz/docs/4131684 (мурожаат этилган сана: февраль, 2019)

29. Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.08.2018 г. N ПП-3913 «О мерах по совершенствованию структуры органов по труду и укреплению системы защиты трудовых прав и охраны труда граждан. [Электрон ресурс] URL: https://nrm.uz/contentf?doc=564869, (мурожаат этилган сана: январь 2019, рус тилида)

30. Узбекистан присоединится к Концепции «нулевого травматизма» на производстве. [Электрон ресурс] URL: https://www.gazeta.uz/ru/2018/08/26/inspection/ (мурожаат этилган сана: январь, 2019, рус тилида)

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ: ЯНГИЛИК, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛ

Шодиёр ШАЙЗАКОВ,
Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси

Аннотация: *мазкур мақолада мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва унинг ҳуқуқий асослари, маъмурий суд ишларини юритиш ҳамда судловга тааллуқлилик масалалари, хорижий тажриба ва олимлар ҳамда экспертларнинг фикрлари асосида таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *низо, шикоят, фуқаро, маъмурий суд, маъмурий судлов, оммавий ҳуқуқий муносабат, давлат бошқаруви органлари, ваколатли органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахс.*

Аннотация: *в данной статье анализируются судебно-правовые реформы, проводимые в стране, организация административных судов и их правовые основы, административном судопроизводстве и вопросы подсудности, зарубежный опыт и мнения экспертов и ученых.*

Ключевые слова: *споры, заявления, гражданин, административный суд, административное судопроизводство, общественные правоотношения, органы государственного управления, уполномоченные органы, органы самоуправления граждан, должностные лица.*

Annotation: *in this article, the analysis of reforms in legal sphere in our country, the organization of administrative courts and legal basis, the issues of administrative court cases and jurisdiction is presented based on foreign experience and opinions of scholars.*

Keys words: *dispute, complaint, citizen, administrative court, administrative proceeding, public legal relations, public administration bodies, authorized bodies, self-government bodies of citizens, public official.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор йўналишлар белгиланган бўлиб, улардан бири суд ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида маъмурий судларни ташкил этиш билан боғлиқ муҳим жараёндир.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши билан боғлиқ конституциявий норманинг амалга оширилишидир, деб баҳолайди. Унинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, *жиноят қонунчилиги тобора либераллаштирилиб, айрим қонунбузарлик учун белгиланадиган жазо чоралари босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши;*

иккинчидан, *судларда кўрилаётган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг кўплиги;*

учинчидан, *фуқароларнинг давлат бошқарувига оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя*

қилишнинг самарали тизимини яратиш зарурати;

тўртинчидан, *давлат бошқарув органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштиришнинг талаб этилаётгани*[1].

Конституциямизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган[2]. Бу ўз навбатида мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Асосий қонунимизда мустаҳкамланган ушбу ҳуқуқларни самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Изчил ислоҳотлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон Фармони[3] билан илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида мамлакатимизда илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сонли Фармонга 1-илова тариқасида берилган "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури"нинг 33-бандига асосан эса оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар ва низоларни кўриб чиқиш бўйича суд иш юритуви амалга оширилишини тартибга солувчи "Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида"ги кодекс лойиҳасининг ишлаб чиқилиши белгиланган эди.

Мустақил суд тизимининг алоҳида бўғини сифатида маъмурий судлар ташкил этилгунига қадар давлат органларининг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилган эди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунларига мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати янги ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар,

Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларига ўтказилди.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий судлар ўз ҳуқуқий асосларига кўра қуйидаги тоифадаги ишларни кўриб чиқади:

Биринчидан, *оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан маъмурий низолар – яъни ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс (аризачи) томонидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишлар;*

Иккинчидан, *қонун билан уларнинг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Бунда эса аксинча, давлат органи ташаббускор бўлади, шахс эса ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланади ва уни жазолаш тўғрисидаги ишлар*[4].

Жиноий, фуқаролик, иқтисодий судлар билан тенг мақомда ташкил этилган маъмурий судлар ўз ваколатларига кирувчи ишларни юритишда ўзига хос бўлган жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Хусусан, маъмурий судда оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юритишнинг фуқаролик процессидан ажратиб турадиган фарқли жиҳати — унда бир тарафда албатта давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахслари қатнашади. Фуқаролик-процессуал муносабатларда бир томонда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс фуқаро ҳисобланади, иқтисодий муносабатларда эса ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик шахслар, мулкдорлар иштирок этиши мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар хусусий шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаётган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади. Бир сўз билан айтганда, маъмурий суд ишларини юритиш ўзида бир тарафда фуқаро, иккинчи тарафда эса давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахслари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус процессуал тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 3-бандида қуйидаги мазмунда тушунтириш берилган:

“Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга таллуқлилиги белгилан-

ган низолар бўйича ишлар маъмурий судга таллуқли эмас.

Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) гайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас".

Шундай қилиб, ушбу қоида таҳлил этиладиган бўлса, агарда низо маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса-ю, бироқ қонунда ушбу низо Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган бўлса, ушбу низо маъмурий судда ҳал этилиши мумкин эмас деган фикрга келиш мумкин.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ маъмурий судларда:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ("Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддаси);

– фуқаролик ишлари бўйича судларга (Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси);

иқтисодий судларга (Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси);

ҳарбий судларга (Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 41-моддаси) тааллуқли бўлган ишлар кўриб чиқилмайди[5].

Шу ўринда дунё тажрибасига эътибор қаратсак, Германия ва Россия давлатларида маъмурий судлар тарафлардан бири ижро ҳокимиятининг органи, ўзини ўзи бошқариш идоралари, уларнинг мансабдор шахслари ёки хизматдаги шахслар ваколатига эга бошқа субъектлар бўлган ишларни кўриб чиқади. Бундай низолар доирасига, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари, қарорлари устидан берилган шикоятлари; шахсни давлат идорасига ишга қабул қилиш ёки бўшатишга доир низолар; сайлов, референдум билан боғлиқ низолар; нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар; уруш ногиронлари ҳуқуқлари; ишсизликдан ҳимояланиш; бепул тиббий ва юридик ёрдам олиш; қонун ҳужжатлари устидан берилган

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Рамиз САПАРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси:

– Вақт инсон учун энг қимматли нарса. У ўқиш, ўрганиш ва билишга сарфланганда одамнинг кўнгли ёришади. Судьялар олий мактабида ўтган икки ҳафталик ўқув курси, таъбир жоиз бўлса, бизнинг ўз соҳамизда замонга мос қадам ташлашимиз, илгарилашимиз учун имкон яратди.

Дарс машғулотлари савия ва фойдалилик жиҳатдан юқори даражада ташкил қилинган. Мавзуларнинг долзарблиги ва ушбу мавзулар юзасидан амалиётчи, юқори тажрибага эга устозларнинг жалб этилгани биз учун кони фойда бўлди. Хусусан, мен ўқиш жараёнида мерос, мулк ҳуқуқи, зарар, уй-жой ва ер муносабатлари билан боғлиқ суд амалиётидаги муаммоларга тегишли саволларимга жавоб топдим ва ушбу йўналишдаги қонунчиликни қўллаш бўйича кенг тушунчаларга эга бўлдим. Бу борада Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати раиси А.Муродовнинг сабоқларини эътироф этгим келади.

Шунингдек, келгусида ўқув-машғулотларида фуқаролик процессуал қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ бўйича мавзуларга ҳам ўрин ажратилса, нур устига нур бўларди. Менимча, сиёсий билимларимизни ошириш борасида сиёсатшунослик дарслари ўтилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

шикоятлар киради. Айни чоқда, маъмурий судлар ваколатларига Конституциявий судлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар; жиноий жавобгарлик ва корхонанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ ишлар тааллуқли эмас.

Украина Республикасининг маъмурий судлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги низолар; маъмурий органларнинг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан боғлиқ ишлар, маъмурий жарималарни ундириш билан боғлиқ низолар (аксарият хорижий мамлакатларда маъмурий жарима-маъмурий ундирув шаклида кўринади); ижтимоий муносабатлар, сайлов ва референдум билан боғлиқ низолар ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа тоифадаги ишларни кўриб чиқади[6].

Давлатимизда янги ташкил этилган маъмурий судлар эса идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади[7].

2018 йилнинг 12 ойи давомида республикамиз маъмурий судлари томонидан давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларни (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ҳақида 22.053 та ишлар кўриб чиқилган[8].

Маъмурий судларнинг ташкил қилиниши судларда мавжуд бўлган юқори юкламани енгиллаштириш, судьяларнинг ўз фаоли-

ятига жиддий масъулият билан ёндашишига кенг имкон яратишдан иборат эди.

Бизнинг фикримизча, маъмурий судлар ташкил этилганидан сўнг судлар томонидан фуқароларнинг шикоятларига муносабат жиддий ўзгартирилиб, кўзланган мақсад сари илдам одимламоқда.

Бироқ, судлар томонидан мансабдор шахс сифатида ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ёки шу тоифадаги низолар фуқаролик ёки маъмурий судлар томонидан кўрилиши ҳақида турли мунозарали фикрлар мавжуд. Айниқса, Фуқаролик процессуал кодексига 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-496-сонли Қонун билан 23[1]-бобнинг, яъни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш хусусиятлари тўғрисида нормаларнинг киритилиши[9] бу борадаги мунозараларга сабаб бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилинганлиги ушбу соҳада янги саҳифани очиб берди. Маъмурий судларнинг ташкил этилиши эса фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳамда иқтисодий судларда иш юритишни янада мақбуллаштиришга, фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишга ҳамда ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига, одил судловнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Ўз шажаранг билан фахрланаркансан, авлодингни ҳам шундай имкониятдан маҳрум қилма.

Цел МАЛЕМАД

* * *

Ўзингда диёнат эмас, ёвузлик устун деган тасаввур уйғонишига йўл қўйма.

Франц КАФКА

Фойдаланилган адабиётлар:

1. http://constitution.uz Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2018 й., www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда; ҚҲММБ, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон; 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон
4. www.norma.uz., С.Латипов, Маъмурий судлар қандай ишларни кўриб чиқади.
5. Раджапова М.З. Маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий низоларга оид ишларни кўрилиши: ҳоким ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан берилган шикоятларнинг кўрилишида процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари // Ўқув-амалий қўлланма. Тошкент, IMPRESS MEDIA нашрёти, 2018. б.12-13.
6. www.lprc.kz.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 2018 й., 6-бет. www.lex.uz
8. www.supcourt.uz
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, 2018 й., www.lex.uz

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 й., 43-сон, 497-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги" ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 25-150-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. 2018 й. www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 2018 й. www.lex.uz.
6. Раджапова М.З. "Маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий низоларга оид ишларнинг кўрилиши: ҳоким ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан берилган шикоятларнинг кўрилишида процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари" мавзусида ўқув-амалий қўлланма. 2018 й. 12-13 б.
7.Мамасиддиқов М.М. "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида" // "Ҳуқуқ ва бурч" журнали. 2018 й. http://constitution.uz
7. www.lprc.kz.
8. www.lex.uz.
9. www.norma.uz

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Умид САЙДАХМЕДОВ,
Судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси

Жахонгир РЕЖАПОВ,
Судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси кабинет мудири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича тайёрлаш жорий этилди. Судьялар олий мактаби магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг қабул қилинади. Магистратурага қабул қилинган тингловчилар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилади ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида стипендия тўланади. Магистратурага тингловчилар грант асосида қабул қилинади ва магистратура тингловчилари асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилганда, эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади ва унгача бўлган даврда судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Малакали ва етук судьялар корпусини ҳамда судлар аппарати ходимларини тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши жамиятда суд идораларига ишончни ошириш, адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, том маънода судни “Адолат қўрғони”га айлантириш ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришишга хизмат қилади.

Бу борада хориж тажрибаси қандай? Чет давлатларда судьялар ҳамда суд аппарати ходимларини малакасини ошириш, қайта тайёрлашда ўқитиш тизими муддатлари ва тақсимоти қай тарзда режалаштирилган? Шу мақсадда хориж тажрибасига назар ташласак.

Россия Федерациясида бу соҳада махсус олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, мазкур муассаса Россия давлат одил судлов университети деб номланади. Ушбу университетга 1998 йил 1 майда асос солинган, у махсус суд тизими учун кадрлар тайёрлайдиган, федерал давлат бюджетига асосланган олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет муассиси Россия Федерацияси Олий судидир. Бугунги кунда университетда 22 000 дан ортиқ талаба Москва ва Россиянинг турли ҳудудларида ташкил этилган 11 та филиалида таҳсил олмоқда. Ҳар йили Россия Федерацияси суд тизими ходимларининг 5000 нафардан кўпроғи университетнинг малака ошириш курсларида ўқитилади.

Университет профессор-ўқитувчилар таркибини суд тизими ва давлат ҳокимияти органлари вакиллари, шунингдек малакали машҳур ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар халқаро миқёсдаги илмий ходимлар, амалдаги судьялар ташкил этади.

Университетда 10 та факультет, 24 та кафедра ва 34 та бошқа таркибий тузилмалар мавжуд. Мазкур олий таълим муассасасида ўқитиш бакалавриат, магистратура ва аспирантура босқичларида бўлиб, барча йўналишларда кундузги, кундузги-сиртқи ҳамда сиртқи шаклларда олиб борилади. Ўқитишнинг ўртача даврийлиги бакалаврлар учун 4 йилдан 4 йилу 6 ойгача, магистратура учун 2 йилдан 2 йилу 5 ойгача, аспирантура учун 3 йилдан 4 йилгача муддатни ташкил этади.

Университетда судьялар, умумий юрисдикция судлари ва Суд департаменти хизматчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети мавжуд бўлиб, ушбу факультетга суд корпуси вакилларининг малакасини профессионал даражада ривожлантириш вазифаси юклатилган. 2001 йилдан 2018 йилга қадар мазкур факультетда умумий юрисдикция судларининг 52794 та судьяси, суд аппаратининг 79132 та ходими, Россия Федерацияси таркибидаги Суд департаменти бошқарув аппаратининг 7067 та ходими малакаси оширилган. Университет билан тузилган халқаро дастур ва шартномаларга асосан Қозоғистон Республикасида судьяликка номзодлардан 147 та, хорижий давлатлар судьяларидан 81 та, Европа иттифоқи дастури бўйича 2182 та судьянинг малакаси оширилган.

Судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ўқитиш даври 40 академик соатдан 112 академик соатгачани ташкил этади. Ҳар бир потокда Россия Федерацияси суд корпусининг 120 нафар вакилини ўқитиш режалаштирилган. Аудитория соатларининг давомийлиги бир кунда 8 соатни ташкил этади. Дарс машғулотлари маъруза, маъруза-мунозара, амалий машғулотлар ва видеорезентациялар шаклида ташкил этилади.

Ўзбекистоннинг яқин стратегик ҳамкори ва қўшниси ҳисобланган Қозоғистон Республикасида Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академиясининг фаолияти Қозоғистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги "Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академиясини ташкил этиш тўғрисида"ги 198-сонли Фармонига асосан йўлга қўйилган. Академия икки йиллик (4 семестр) ўқув дастури асосида юриспруденция йўналиши бўйича магистрларни тайёрлайди. Бундан ташқари, академияда судья ва суд ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган қўшимча икки ҳафталик (судьялар учун – 84 соат) ва бир ҳафталик (суд ходимлари учун – 42 соат) курслар мавжуд. Мазкур курсларни ташкил этиш қоидаларига асосан судья ва суд ходимлари ҳар уч йилда бир маротаба ушбу курсларда малака оширишлари белгиланган. Бунда судьялар малакасини ошириш курсларининг умумий муддати беш ҳафта

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Олламурат СУЮНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг судьяси:

– Судьялар олий мактабида ўқув курси пухта режалар асосида ташкил этилганки, жараёнда биз ҳам маърузачи ўқитувчилардан, ҳам бир-биримиздан кўп нарсани ўргандик. “Судьялар одоб-ахлоқ” кодекси Судьялар олий кенгаши аъзоси М.Аҳмедов томонидан жуда тушунарли тарзда шарҳлаб берилди. Бу эса ҳамкасбларимизга хизматда ва хизматдан ташқарида қандай қоиаларга амал қилиш кераклигини англатишда муҳим восита бўлди.

Дарс машғулотларида айнан амалиётдаги муаммоли мавзулар ўрганилгани самарадорликни оширди. Педагоглар таркиби ҳам тажрибали амалиётчилардан иборат. Бу биз тингловчиларнинг фаолиятимизда юзага келадиган муаммоларни осон ҳал этишни ўрганишимизда муҳим аҳамият касб этди. Улар ўргатганларидан ташқари, ўзимиз шу кунгача дуч келган муаммоли вазиятларни баён этиб, керакли маслаҳатлар олдик.

Ўқув жараёнларида бизда қуйидагича таклиф пайдо бўлди. Келгусида Судьялар олий мактабида электрон кутубхона ташкил этилса ва у соҳамизга оид адабиётлар билан бойитилса, тингловчиларнинг мустақил изланишлари учун имконият яраларди. Қолаверса, шу аснода ўзимизнинг ва хорижий мутахассисларнинг ҳуқуқ тизимига оид асарлари жамланишига ва салмоқли база яратилишига эришган бўлардик.

бўлиб, шундан уч ҳафтаси масофавий семинарлар шаклида ўтказилади ва охирги икки ҳафталик курслар бевосита Академияда семинарлар, “кейс-стади”, конференция, дискуссия ва тренинглар шаклида бўлиб ўтади. Тингловчилар вилоят судлари аризалари асосида шакллантирилади.

2018 йил 3 мартда Академия ректори томонидан Академияга ўқишга қабул қилиш қоидалари ва мазкур қоидаларга илова сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим дастури асосида таълим бериш бўйича намунавий шартнома тасдиқланган.

Академия тузилмасида 3 та институт фаолият кўрсатади:

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институти ва унда қуйидаги кафедралар мавжуд:

- *Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ кафедраси;*
- *Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси;*
- *Жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси;*
- *Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси.*

Судья ва суд ҳодимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ва унда қуйидаги марказлар фаолият юритади:

- *Судья ва суд ходимларини қайта тайёрлаш маркази;*
- *Судья ва суд ходимлари малакасини ошириш маркази.*

Суд-ҳуқуқ ва инновацион проектлар илмий-тадқиқот институти ва унда қуйидаги марказлар фаолият юритади:

- *Давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш илмий маркази;*
- *Шахсий-ҳуқуқий ва инвестицион муносабатлар илмий маркази;*
- *Маъмурий ва жиноий судловдаги муаммоларни ўрганиш илмий маркази.*

2017 йил 2 ноябрда Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси ва Академия ректори томонидан судьяларни (янги тайинланган) қайта тайёрлаш бўйича таълим жараёнини масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда ташкил этиш қоидалари тасдиқланган ва бугунги кунда масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси суд тизимида видеоконференцалоқа технологияларининг жорий этилганлиги судья ва суд ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда масофавий таълим технологияларини жорий этиш имкониятини беради.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2008 йил 7 февралдаги 116-сонли “Таълим муассасаларида таҳсил олувчиларга тўланадиган давлат стипендияларининг миқдори ва уларни бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосан, Академияга давлат органлари томонидан ўқишга юборилган магистрларга охирги иш жойидаги ойлик маоши миқдорида, лекин давлатнинг таълим буюртмаси асосида

таҳсил олаётган магистрларга тўланадиган стипендиядан кам бўлмаган (53530 танга) миқдорда стипендия тўланади.

Канада тажрибаси бу борада қандай? Бу борада Канадада анча солмоқли ишлар қилинган бўлиб, судьялар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш, яъни ўқитиш билан Канада Миллий судлов институти (NJI) шуғулланади. Мазкур институтга 1988 йилда асос солинган бўлиб, у мустақил, нотижорат ташкилот ҳисобланади. Қароргоҳи Оттава шаҳрида жойлашган. Ушбу институтда Канада суди раиси бошқарувидаги 50 нафар ходим фаолият олиб боради ва унинг бюджети - 9 миллион долларни ташкил этади. Институтда тўртта департамент: таълим, молия, операцион ва халқаро департаментлари мавжуд. Судьяларни ўқитишда Канадада асосан қисқа курслар ташкил этилган. Ушбу курсларда иштирок этувчи судьялар ўзлари мавзуларни эркин танлайдилар, шунингдек бугунги кунда судьяларни онлайн ҳамда масофавий ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу методларни янада такомиллаштириш борасида янгича услублар жорий этиш жараёнлари кетмоқда. Судьяларнинг малакасини оширишда суд этикаси масалаларига оид видеокаст (мураккаб тоифадаги ишларни имитацион ёки айнан кўрилган ишни ёзиб олиш) ҳамда подкастлардан фойдаланиш тизими йўлга қўйилган. Бу тизим орқали ҳар қандай судья хоҳлаган пайтда видеони кўриши ва баъзи масалаларни таҳлил қилиш имконига эга бўлиши мумкин.

Европа давлатларидан Франция тажрибаси ва амалиётини таҳлил қилсак. Францияда бу соҳада алоҳида Франция миллий магистрат мактаби мавжуд бўлиб, мазкур мактаб Франция Президентининг 1958 йил 22 декабрдаги 58-1270-сонли Қарори билан "Суд тадқиқотлари миллий маркази" сифатида ташкил этилган, 1972 йилда "Франция суд ҳокимиятининг миллий мактаби"га айлантирилган. Бугунги кунда мактаб малакали магистрат (судья ва прокурор)лар тайёрлашга ихтисослашган олий таълимдан кейинги таълим маркази ҳисобланади. Миллий мактаб адлия вазирлиги ҳузуридаги ташкилот ҳисобланиб, ўзининг маъмурий ва молиявий ресурсларидан фойдаланишда мустақил ҳисобланади. Мактабнинг олий бошқарув органи Кенгаш бўлиб, унинг таркибига адлия вазирлиги, судлар, прокуратура, адвокатура ва бошқа юридик соҳа вакиллари киради. Мактабнинг бюджети 34 млн. еврони ташкил этади. Кенгаш миллий мактаб дарс жадвали, бюджети ҳамда маъмурий ва молиявий ҳисоботларини тасдиқлайди. Франция Олий Кассация судининг раиси Кенгаш Президенти ҳисобласа, Олий Кассация судининг бош прокурори эса Кенгашнинг вице-президенти ҳисобланади.

Миллий мактабни Франция Адлия вазири қарорига кўра тайинланадиган директор бошқаради. Мактабнинг таълим фаолияти асосан иккита департамент томонидан амалга оширилади. Бордо шаҳрида жойлашган департамент номзодларни танлаш ва дастлабки таълим билан боғлиқ масалалар билан шуғулланса, Парижда жойлашган иккинчи департамент малака ошириш, профессионал тайёрлов ва халқаро муносабатлар билан шуғулланади.

Бугунги кунда Францияда суд корпуси икки хил тарзда шакллантирилади. Биринчиси, мактабга танлов асосида ўқишга кириш ва таълим дастури якунига кўра судьялик лавозимларига тайинлаш орқали шакллантирилса, иккичиси тўғридан-тўғри Комиссия томонидан танлов асосида шакллантирилади. Аксарият номзодлар мактаб битирувчилари орасидан танлаб олинади.

Мактабга ўқишга қабул қилиш номзодлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиладиган уч тоифадаги танлов асосида амалга оширилади. Бунда "талаба" деб номланган

биринчи тоифадаги танлов олий ўқув юртини тамомлаган, бироқ юридик соҳадаги меҳнат стажига эга бўлмаган номзодлар орасида ўтказилади. Иккинчи тоифадаги танловда давлат идораларида, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида тўрт йиллик меҳнат стажига эга бўлган номзодлар орасида ўтказилади. Учинчи тоифадаги танлов юридик, иқтисодий ёки ижтимоий соҳада камида саккиз йиллик меҳнат стажига эга, хурмат-эътиборга сазовор бўлган шахслар орасидан (ҳуқуқий фанлар доктори) имтиҳонсиз қабул қилиш орқали амалга оширилади. Бунда имтиҳонсиз қабул қилинадиган тингловчилар, умумий тингловчиларнинг учдан биридан кўп бўлмаслиги керак.

Имтиҳондан ўтган номзодлар Адлия вазирининг қарори билан миллий мактаб тингловчилигига қабул қилинадилар ҳамда улар билан ўн йил адлия соҳасида ишлаб бериш шарти билан шартнома имзоланади. Миллий магистрат мактаби тингловчилари судья ва прокурорлар билан бир қаторда Франция суд корпуси аъзолари ҳисобланадилар ҳамда уларга биринчи инстанция суди судьялари ойлик маошининг 75-80% миқдорида стипендия тўланади.

Тингловчилар амалдаги судьялар жавобгарлиги остида суд фаолиятида имзо қўйиш ваколатисиз иштирок этадилар. Жумладан, улар суд иши юзасидан маълумотлар йиғишлари, прокурорларга жиноят ишларини юритишда кўмаклашишлари, ишни кўриб чиқиш жараёнида оғзаки илтимоснома ва хулосалар беришлари мумкин.

Машғулотларга маърузачи сифатида 30 та амалиётчи судья ва прокурор тўлиқ ишдан ажратилган ҳолда жалб қилинса, суд ва прокуратура соҳасида амалиётга эга бўлган 300 тадан 500 тагача мутахассис доимий фаолият кўрсатади.

Биринчи ўқув йили икки ҳафталик суд билан танишишдан бошланади. Бунда, биринчи ҳафтада тингловчилар назарий билимларни эгалласалар, иккинчи ҳафтада судда амалиёт ўтайдилар. Таълимнинг кейинги босқичи 45 кунлик суддан ташқари амалиёт бўлиб, бунда тингловчилар корхоналар, маҳаллий ҳокимият органлари, халқаро суд органлари фаолияти билан танишадилар. Биринчи ўқув йилининг қолган саккиз ойини тингловчилар бевосита миллий мактабда фуқаролик ва жиноят процессуал қонунчилигини, халқаро ҳуқуқнинг одил судлов ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумэътироф этилган нормаларини ҳамда судьялар одоб-ахлоқ қоидаларини ўрганиш билан ўтказадилар. Бундан ташқари, тингловчилар судланувчилар билан суҳбатлашиш ҳамда суд процессларини симуляцияларини ташкил этиш орқали нотиқлик санъатини ҳам эгаллайдилар.

Кейинги ўқув йилида тингловчилар 14 ой судья ва прокурорларнинг назоратида амалиёт ўтайдилар ва барча суд инстанциялари, полиция, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари, жазони ижро этиш идоралари, суд ижрочилари ҳамда адвокатлар фаолияти билан танишиб чиқадилар.

Ўқишнинг учинчи йилида тингловчилар имтиҳон топширадилар ва имтиҳон натижаларига кўра уларга танлаш учун бўш судьялик лавозимлари рўйхати тақдим этилади ва тингловчилар мутахассисликни (ювинал, фуқаролик, жиноят в.ҳ.к.) ўзлари танлайдилар ҳамда танлаган мутахассисликлари бўйича яна бир ой миллий мактабда ва беш ой бевосита судда ўқийдилар.

31 ойлик курсларни ижобий якунлаган тингловчилар рўйхати Адлия вазири томонидан Магистратлар олий кенгашига хулоса бериш ҳамда Франция Президенти декрети билан тасдиқлаш учун юборилади[1].

АҚШ Федерал суд маркази

АҚШ Федерал суд маркази АҚШ суд ҳокимиятининг тадқиқот ва таълим муассасаси бўлиб, 1967 йилда Конгресс томонидан ташкил этилган.

Қонунга кўра АҚШ Олий суди раиси Марказ бошқарув кенгаши раҳбари ҳисобланади. Шунингдек бошқарув кенгаши аъзолигига АҚШ судларини маъмурий бошқариш бошқармаси директори (Administrative Office of the U.S. Courts) ҳамда судьялар кенгаши томонидан сайланадиган 7 судья киради. Кенгаш марказ директори ва ўринбосарини тайинлайди. Ўз навбатида директор марказ ходимларини шакллантиради. 2014 йилда марказнинг бюджети (таълим дастурлари, хизмат сафарлари, таъминот в.ҳ.к) 26 миллион долларни ташкил қилган. Директор девонхонаси марказга умумий раҳбарлик ҳамда марказнинг бошқа ташкилотлар билан алоқасига масъул ҳисобланади. Марказнинг тадқиқот бошқармаси федерал судлар амалиётини умумлаштириш ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш билан шуғулланади. Таълим бошқармаси эса судья ва суд ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлашга масъул бошқарма саналади. Шунингдек, марказда чет давлат судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик олиб бориш учун ҳамда АҚШ федерал суд корпусини халқаро ҳуқуқдаги ва бошқа давлатлар суд тизимидаги ўзгаришлар билан таништириб бориш учун масъул бўлган халқаро муносабатлар бошқармаси ҳам фаолият юритади.

Марказ федерал ва округ даражасидаги барча судлар судьялари билан бир қаторда судларда фаолият кўрсатувчи адвокатларни, федерал ҳимоячиларни (давлат ҳимоячиси), суд мажлиси котиблари (судья ёрдамчилари)ни, пробация ва судгача хизмат кўрсатиш ходимларини ўқитиш билан шуғулланади.

Таълим жараёни ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида олиб борилади[2]. Ўз навбатида судьялар учун мўлжалланган икки ҳафталик таълим дастурлари ҳам судьяларнинг ихтисослигига қараб фарқланади. Жумладан, янги тайинланган округ суди судьялари учун, банкротлик ишлари бўйича судьялар учун, апелляция судлари судьялари учун ҳамда магистрат судлари учун алоҳида таълим дастурлари ишлаб чиқилади. Мисол учун янги тайинланган округ суди судьялари икки босқичдан иборат икки ҳафталик таълим дастури асосида ўқитилади. Дастурнинг биринчи босқичида малакали округ ва

апелляция судлари судьялари томонидан судьялик маҳоратини шакллантириш бўйича дарслар ўтилади. Иккинчи босқич бевосита амалиёт босқичи бўлиб, унда судьялар камида бир йиллик амалиётга эга округ судьяларидан иш юритиш, федерал юрисдикция, қарор қабул қилиш, фуқаролик қонунчилиги, меҳнат қонунчилиги, «ҳабеас корпус» ва ОАВ билан ишлашни ўрганадилар. Таълим дастури ҳуқуқ билан бир қаторда иш юритиш, етакчилик, этика ва (судларни) бошқариш (раҳбар судья) каби хислатларни шакллантиришни ўз ичига олган. Бундан ташқари, марказ томонидан турли долзарб масалаларни, муҳокама қилиш мақсадида семинарлар, тренинглар ва турли тадбирлар ташкил этилади.

Хулоса ўрнида, ҳар бир давлат ўзининг давлат қурилиши, унда амал қиладиган ҳуқуқ тизими ҳамда бошқарувидан келиб чиқиб, судьяликка номзодларни танлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида ўз стандартларини ишлаб чиқади. Лекин, бундан кўзланган энг олий мақсад — бу суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш. Бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда ижобий томонларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулов Е.Б. директор Института переподготовки и повышения квалификации судей и работников судебной системы Академии правосудия при Верховвном Суде РК, менеджер проекта «Мінсіз судья», д.ю.н., профессор. "Отбор и первоначальное обучение судей: международный опыт" https://www.zakon.kz/4915130-otbor-i-pervonachalnoe-obuchenie-sudey.html

2. Federal judicial center. Education programs: https://www.fjc.gov/education

СУД ИШНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ҲАМ КЎРАДИ

Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА,
Хоразм вилоят иқтисодий суди судьяси

2019 йил 21 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси янги 23¹-боб билан тўлдирилди. Унга кўра, мамлакатимиз иқтисодий судларида ишни соддалаштирилган тарзда кўриш тартиби жорий қилинди. Кодексдан жой олган янги боб эса суд ишларини ана шу йўсинда юритиш тартиб-таомилларини белгилаб берди.

Суд қонунчилигини замон талаблари асосида янгилиш ва такомилаштиришга қаратилган бундай тадбирлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар изчил ҳамда узвий давом этаётгани ва янада чуқурлашаётганидан далолат беради. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат давлат бошқаруви, балки суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизим яратилишини тақозо этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муваффақиятли амалга оширилиши суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам мутлақо янги фаолият юритувчи тизимни яратди, десак муболаға бўлмайди.

Юртимизда кечаётган туб ислоҳотлар замирида суд-ҳуқуқ соҳасининг тадбиркорлик субъектларига муносабатини кескин ўзгартириш, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашдек улкан вазифа мужассам эканлиги яққол намоён бўлаяпти.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилаётган моддий бойликлар, кўрсатилаётган хизматлар ва бунинг шарофатидан давлат ғазнасига келиб тушаётган солиқ ва бошқа тўловларнинг аксарияти тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади.

Қонунчилигимизда соддалаштирилган услубда иш юритиш тартибининг жорий қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасидагина эмас, балки юртимиздаги катта тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бундай тартибда ҳал этиладиган масалалар туркумига юридик шахсларга нисба-

тан – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса – беш бараваридан ошмайдиган ҳажмда иқтисодий судларга йўлланган даъво аризалар юзасидан қараб чиқиладиган суд ишлари киради. Агар бундай ҳолатлар мавжуд бўлмаса, даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Корпоратив низолар ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилмайди.

Агар ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриш чоғида учинчи шахснинг даъвога қўшилиш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилган, шунингдек, тарафлардан бирининг сўрови инобатга олинган ва кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган қарши даъво аризаси қабул қилинган бўлса, суд масалани ишни юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради. Ишни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишда давлат сири, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор қилиниши; қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш, шунингдек далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиш; билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқ бўлган, жумладан учинчи шахсларга таалуқли бўлган ёки мазкур иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига таллуқли жараёнлар шу туркумга киради.

Агарда ўзаро боғлиқ бир нечта талабнинг бири белгиланган қоидага тааллуқли, бошқалари эса тааллуқли бўлмаган тақдирда, барча талаблар даъво ишини юритишнинг Кодексда белгиланган умумий меъёрлари бўйича кўрилади. Уни кўриш муддати даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриб чиқиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Зикр этилаётган қонун ҳужжатида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган масала бўйича даъво аризасига доир талаблар ҳам белгилаб берилган. Унга кўра, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризаси ушбу Кодекснинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасига Кодекснинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилгани ҳақидаги далиллар илова қилинади. Бундан ташқари, соддалаштирилган тартибдаги ишни кўриб чиқиш хусусиятлари мавжуд бўлган ва даъво аризасини қабул қилиш ҳамда иш юритишни қўзғатиш лозим, деб топилгач, суд шу юзадан ажрим чиқаради. Унда ишни соддалаштирилган тартибда кўриш ва уни қараб чиқиш санаси кўрсатилиши керак.

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини ушбу аризанинг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн

беш кунлик муддатда ўзи асосланаётган ҳужжатлар, далилларни илова қилган ҳолда судга тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрнинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ишга илова қилинади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади. Даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгарнинг шу юзадан ёзма фикр тақдим этмагани ишни соддалаштирилган тартибида кўришга тўсқинлик қилмайди. Белгиланган муддат ўтганидан кейин келиб тушган даъво аризасига оид ёзма фикр, далиллар, бошқа ҳужжатларни белгиланган муддатда судга тақдим этиш имкони бўлмагани асослаб берилган ҳолларда суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар қабул қилинади.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича даъво аризасини қабул қилиш ва уни ҳаракатга солиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Ишни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш муддати узайтирилмайди. Суд соддалаштирилган тартибдаги иш юритишни муҳокама ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришлар, эътирозлар ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва шундан сўнггина ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 21-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, унда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан қабул қилинади. Бундай тартибда кўрилган иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида чиқарилган ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протест) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилган иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган бўлса, ўша ҳал қилув қарори тарафларнинг илтимосномаси бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида мазкур Кодекснинг V-бўлими қоидаларига биноан, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилади. Апелляция шикояти (протест) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ушбу инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради:

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб иқтисодий судлар амалиётида иш юритишнинг соддалаштирилган тамойили асосида суд ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Бу жараён тадбиркорлик субъектлари бўлган тарафларнинг судга етиб келиши билан боғлиқ муаммолар ва ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

СУДЬЯ ХОЛИС ВА БЕҒАРАЗ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси

Холислик ва беғаразлик тушунчалари аввало суднинг жамиятда юқори мавқега эга эканлиги, одил судлов фақатгина суд томонидан амалга оширилиши билан узвий боғлиқ.

Судьянинг холислиги ва беғаразлиги нафақат судлар фаолиятида, балки давлат ва жамият фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, суднинг беғаразлиги даражасини инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатланганлиги, ҳуқуқий демократик давлатнинг ривожланганлиги даражасига қиёслаш мумкин.

"Темур тузуклари"да давлат ишларини бошқариш билан бир қаторда миллий қадриятларга оид таълимотлар: меҳр-мурувват, инсоф, ростлик, мардлик, беғаразлик, собитқадамлик каби ахлоқий фазилатлар ҳам ўз ифодасини топган.

Амир Темур ўз таълимотида беғаразлик, яъни ҳаммага бир хил жиддий ва одилона қараб, ҳеч кимни бир-биридан фарқ қилмасдан иш юритишини баён этади.

Соҳибқироннинг фикрича, қаерда ғаразгўйлик бўлса, ўша жойда адолат қарор топмайди, қонуннинг устунлиги таъминланмайди. Бинобарин, беғаразлик – қонун устунлигини таъминловчи юксак ахлоқий сифат ҳисобланиб, адолатли жамият қуришнинг маънавий таянчларидан биридир. Шунинг учун ҳам "ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини тутиб, ҳар икки шам билан бутун умр бўйи йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шу адолат қоидаларига амал қилдим" дейди Амир Темур.

Судья ҳар қандай вазиятда шахсий обрў-эътиборини сақлаши кераклиги, суд ҳокимиятининг нуфузини пасайишига, судьянинг обрўсига зарар етказувчи, унинг одил судловни амалга оширишидаги холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдан қочиши кераклигини унутмаслиги лозим. "Омманинг ҳар қандай фикри, судьялик фаолиятининг танқид қилиниши, у томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигига таъсир қилмаслиги лозим".

Ишни судда адолатли кўриб чиқиш судьялардан холисликни талаб этади. Бу шуни кўзда тутадики, судьялар муайян ишда шахсий манфаатга ёки ғараз ниятга ҳамда иштирок этувчи томонлар ҳақида

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Шавкат НАЗАРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси:

– Машғулотлар бўйича дарс жадвалида мавзулар мантиқий изчилликда ва бир-бирига боғлиқ ҳамда ўзаро тўлдириб бориш кетма-кетлигида танланганлиги тингловчига маълумотларни тизимли ўзлаштириш имкониятини берди. Ўқув машғулотлари тажрибали судьялар ҳамда илмий даражага эга бўлган олимлар томонидан олиб борилганлиги курс якунида кўзланган мақсадларга эришишда ижобий натижа берди ва юқори самарадорликни таъминлади.

Психология, мерос иши, етказилган зарар, маънавий зарар, уй-жой низоларига оид мавзулар янги ёндашув асосида ўқитилганлиги тингловчиларда янги билим ва кўникма ҳосил бўлишига ҳамда қонунни тўғри қўллаш тажрибасининг ошишига хизмат қилди.

Ўқув машғулотлари давомида маърузачилар томонидан мавзуга доир мисоллар, ҳолатларни таҳлил қилиш орқали назарий билим бериши тингловчиларнинг эндиги фаолиятида ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз. Қонунчиликдаги янгиликларни ўзлаштириш билан бирга, фаолиятда йўл қўйган хато ва камчиликларни танқидий анализ қилиш ҳамда келажакда муайян фуқаролик ишларини тўғри кўриб чиқишимизда бунинг аҳамияти юқори бўлади.

Шу билан бирга, кейинги ўқув курсларида суд харажатлари ва давлат божини ундириш мавзуси солиқ тизими мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўрганилса, янада яхши натижага эришилади.

олдиндан шаклланган фикрга эга бўлмайдилар. Суд нафақат ўз мазмун-моҳиятига кўра холис бўлиши, балки унинг холислигига атрофдагилар ҳам ишониши керак. Судьялар муайян иш бўйича шахсий манфаатга ёки ғараз ниятга ҳамда судлов иши юритуви тарафлари ҳақида олдиндан шаклланган фикрга эга бўлмасдан, иш бўйича қарорларни мавжуд далиллар асосида қабул қилишлари лозим.

Судья профессионал вазифасини амалга оширишда бирон-бир афзаллик, нохолислик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмаслиги, холислик, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиши, суд процесси иштирокчиларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда амалга ошириши шарт.

Суднинг холислиги яна шуни назарда тутадики, судьялар кўриб чиқилаётган масалалар бўйича томонлардан бирининг манфаати йўлида ҳаракат қилмасликлари керак.

Судья қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзини ўзи рад этишга мажбур. Суднинг холислигини ишда иштирок этуви ҳар қандай шахсга нисбатан ғаразли қараши, душманлиги ёки мойиллиги йўқлиги сифатида белгилаш мумкин.

Франциялик файласуф Виктор Гюго “Энг одил ҳукм – виждон ҳукми”, - деган. Улуғ юнон файласуфи Арасту эса “Виждон олийжаноб инсоннинг олий ҳаками” эканлигини айтган. Яъники, судья қабул қилган қарори учун аввало ўз виждони олдида хижолат бўлмаслиги лозим.

Шу боис процессуал ҳуқуқ нормаларига асосан холислиги шубҳа остида қолган судьялар асослар етарли бўлган ҳолларда ишларни олиб боришдан воз кечиши шарт ҳисобланади.

“Судьяларнинг хулқ-атворига оид Бангалор принциплари”нинг 2.5-принципи судьялар ўзини ўзи рад этиши лозим бўлган масалаларни белгилаб беради. Унга кўра:

судьяда томонлардан бирига нисбатан нохолис муносабат ёки ғаразли ёндашув юзага келганда ёки судьяда ўз шахсий манбааларидан кўриб чиқилаётган ишга тегишли бўлган бирон-бир далилий фактлар маълум бўлган ҳолларда;

аввал мунозаранинг ўша предметини кўриб чиқишда судья адвокат сифатида иштирок этганда ёки гувоҳ сифатида жалб этилганда;

судья ва унинг оила-аъзолари кўриб чиқилаётган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлган ҳолларда судьялар ўзини ўзи рад этишлари лозим.

Шунингдек, унда кўрсатилишича, суднинг "холислиги" шуни назарда тутадики, судьялар ўзлари кўриб чиқаётган масала бўйича нохолис фикрга эга бўлмаслиги ва томонлардан бирининг манфаати йўлида ҳаракат қилмаслиги керак. Судьяни нолойиқ деб топиш қонун асосида белгиланган ҳолларда судга ушбу асосларни албатта кўриб чиқиш ҳамда нолойиқлик мезонларига тўғри келадиган суд аъзоларига уларни алмаштириш мажбурияти юкланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди "бирор судьяда муайян ишга нисбатан шахсий ишончларни белгилашдан иборат субъектив ёндашув ва судья томонидан бу борада ҳар қандай асосланган гумонларни истисно қилиш учун етарли бўлган объектив ёндашув" ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатади. Ушбу ёндашувлардан биринчиси субъектив холислик, иккинчиси эса объектив холислик деб номланади. Ишни кўриб чиқиш нафақат судья нохолис бўлган тақдирда, балки иш бўйича қарор шундай қабул қилинганда ҳам адолатсиз бўлади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик, ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш, ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериши лозим.

Судья ишдаги ҳолатларни ҳар томонлама ва холисона ўрганиб, пировардида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзининг холислигига асосли шубҳа бўлган ҳолларда судья баҳслашувчилар томонидан ўзининг холислиги тасдиқланишини кутмасдан, балки ўзининг ишдан четланаётганлигини эълон қилиши ва ушбу ишни кўриб чиқишдан тийилиши керак.

Зеро, судьянинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, суд муҳокамасини олиб бориши суд процесси тарафларининг ишончини қозонишга, судьянинг қўллаб-қувватланишига, унинг холислигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиши зарур.

Шаҳматда ўйин тугагандан кейин шоҳ ҳам, пиёда ҳам бир қутига солинади.

Анис МАНСУР

* * *

Мен ҳали ҳам фақир фақирлигидан уялмайдиган, балки бой бойлиги билан фахрланишдан уяладиган жамиятни орзу қиламан.

Жуброн Халил ЖУБРОН

Луқмонжон ИСОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

“МИГРАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Аҳоли кўчиши ҳар бир давлат иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг муҳим омилларидандир. Дунё миқёсида миграция тобора жадаллашиб бормоқда, масалани ҳал этиш бугунги давр талабига айланмоқда.

“Миграция” тарихи, бу инсоният тарихидир. Ер юзасидаги деярли барча одамлар у ёки бу маънода мигрант ҳисобланиб, “homo sapiens”нинг бир гуруҳи Европа, Осиё, Австралия ва Америка бўйлаб бутун дунёга тарқала бошлаган[1].

Миграция соҳасидаги давлат бошқарувини таҳлил қилишни тушунчаларни тадқиқ этишдан бошлаш мантиқан тўғрироқдир. Зеро, барча ваколатли органлар ҳуқуқий меъёрлардаги бир қатор илмий таърифлар билан ишлайди. Шу боис “миграция” тушунчаси ҳар томонлама таҳлил қилиниб, юридик табиати тавсифланиши лозим. Шу ўринда ушбу тушунчанинг тарихий жиҳатларига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Қомусий луғатларда “миграция”нинг – аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (аҳоли миграцияси), ҳайвонларнинг яшаш муҳити шароити ёки ривожланиш цикли ўзгариши билан бир географик ҳудуддан иккинчисига кўчиши (ҳайвонлар миграцияси), кимёвий элементларнинг ер қобиғида ёки ер юзасида ўз жойини ўзгартириши (элементлар миграцияси) каби турлари келтирилган[2].

Аҳоли миграцияси ҳодисасининг илмий ўрганилиши тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимий Юнон файласуфлари Афлотун ва Арастуларнинг асарларидаёқ давлатнинг миграция соҳасидаги тартибга солиш чораларини эслаган ҳолда ушбу муаммо бўйича фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Масалан, Афлотун “кўчиб келган” ва “ажнабий” каби тушунчалардан фойдаланиб, шу орқали мигрантларнинг асосий тоифаларини ажратишга асос солиб, уларнинг маъно ва мазмунлари ҳозирги кунга қадар деярли ўзгармасдан келмоқда. Арастунинг гувоҳлик беришича, Қадимий Юнон давлати ташқи мигрантларга эҳтиёжни ҳисобга олиб, хусусан, ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларининг бир қисми юртига тирикчилик учун кўчиб келганлар, шунингдек ҳар сафар давлат ёки шахсий иши билан келадиганлар учун захира қилинган. Шунингдек, “қонуний фуқароларнинг етишмаслиги оқибатида” қуллар ва ажнабийлар учун фуқаролик бериш ҳолатлари бўлган[3].

Қадимий файласуфларнинг ушбу ғояларини европалик олимлар ривожлантириб, жумладан, илк маротаба француз маърифатпарвари Шарль Монтескье ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган шахслар мақомини ҳуқуқий тартибга солиш муҳимлигини таъкидлаган[4]. Немис файласуфи Иммануил Кант миграция муаммосини таҳлил қилиб, давлат кўчиш ҳуқуқига эга бўлган фуқарони ушлаб туриш ваколатига эга эмаслиги, ҳукмдорлар эса, “маҳаллий халқнинг хусусий ер мулклари қисқаришига олиб келмаган тақдирда” мамлакатига янги ажнабий фуқароларнинг келиб жойлашишига рухсат бериши лозимлигини асослаган[5]. Инглиз демографи Томас Мальтус ҳам шахсий назариясига таянган ҳолда миграция жараёнларини изоҳлаб, аҳоли сонининг ошиши геометрик прогрессияда амалга оширилиши, тирикчилик учун воситаларнинг кўпайиши, камаядиган тупроқ унумдорлиги қонуниятига мувофиқ, арифметик прогрессияда бўлиб ўтишини таъкидлаган. Унинг фикрича, ушбу тенденциялар турли ҳудудларда турлича бўлади[6].

Миграция жараёни жамият ҳаётининг турли томонларига таъсир ўтказиши боис илмий адабиётларда ушбу тушунчанинг мазмуни бўйича ягона позиция мавжуд эмас.

Миграцияда ҳар бир алоҳида ҳолат, хоҳ келиш, хоҳ кетиш ёки кўчиш бўлсин, унинг оддий “ҳужайра”сидир. Бошқача қарашларни илмий адабиётларда учратмаганимизда мазкур ҳолатни шарҳлашга асос қолмасди. Масалан, украиналик

олим А.У.Хомранинг таъкидлашича, аҳоли миграцияси жараёнининг илк ҳужайраси, бу иш жойини алмаштиришдир[7]. Ҳаётнинг биринчи шарти бўлган меҳнат – шахс камолотининг манбаи. Бироқ миграцияни яшаш жойини алмаштириш (бир аҳоли пунктидан бошқа жойга кўчиш) деб тушунсак, бундай ҳолда бунинг учун касбни, меҳнат жойини ёки соҳани ўзгартириб туриш шарт эмас. Шунингдек, яшаш жойини ўзгартирмасдан туриб ҳам иш жойини ўзгартириш мумкин.

Миграция назариясига турли илмий қарашлар ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, антропология, демография, сиёсатшунослик, тарих, социология каби ҳар хил фанлар доирасида ривожланган ва ҳозирда ҳам тобора ривожланиб бормоқда. 1885 йилда немис-инглиз олими Э.Равенштейн биринчилардан бўлиб, миграция жараёнлари соҳасидаги қонуният ва тушунчани шакллантиришга ҳаракат қилди. Айнан ушбу олим миграция жараёнларини ўрганишнинг назарий концепциясига асос солган. Олимнинг "Миграция ҳаёт ва тараққиётни англатса, аҳолининг камҳаракатлилиги турғунликни ифодалайди"[8] деган машҳур оммалашган тамойили ўз тасдиғини топди.

Миграция концепциясини ишлаб чиқишда Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ҳам улкан ҳиссаси мавжуд. Ушбу ташкилотнинг 1989 йилдаги 59-сессиясида "миграция" ва "мигрант" тушунчаларига таъриф берилган эди. Унга кўра, миграция – бу давлат ривожланиш жараёнининг бир қисмидир. Кўриниб турибдики, ушбу тушунча миграциянинг барча шаклларини ўз ичига олади. Мигрант деб, бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга кўчиб ўтувчи ҳамда халқаро ташкилотлар кўрсатадиган халқаро миграция хизматларига муҳтож бўлган шахсларга нисбатан айтилади[9]. Демак, шакли, мотиви ва муддатидан қатъи назар, ҳуқуқий мақомининг ўзгаришига олиб келувчи шахсларнинг бирор мамлакат ҳудудидан бошқа бир мамлакат ҳудудига кўчиши халқаро миграция ҳисобланади.

Миграцияни бутун дунё бўйлаб тадқиқотчилар турлича таснифлайди. Масалан, француз олими Мишель Пикуэ миграцияни якка, жамоавий, оилавий турга бўлган[10].

Бизнинг фикримизча, миграциянинг мотивларига қараб таснифлашни қуйидаги шаклда ифодалаш мумкин:

1. Меҳнатга оид мотивларга кўра, таваккалчилик асосида бирор иш топиш; яхшироқ иш топиш; бирор савдо ёки ўз бизнесини очиш; меҳнат билан боғлиқ бошқа мотивлар.

2. Оилага оид мотивларга кўра, никоҳ; фуқаролик ҳолатининг ўзгариши (никоҳдан ажралиш, бева қолиш, бошқа турмуш қуриш); оиласига бирикиш зарурати (ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандлари яшаётган ўлкага ёки мамлакатга бориб бирга яшаш); рўзғорбоши билан бирга кетиш; бошқа оилавий тадбирлар.

3. Таълимга оид мотивларга кўра, шахсий ўқишни давом эттириш; касбий малакани ошириш; болалар таълим-тарбияси.

4. Бошқа мотивларга кўра, ўзининг ўлкасидаги чидаб бўлмайдиган шароитлардан чарчаш; қатор сабабларга кўра пойтахтда яшаш хоҳиши.

Шу тариқа, аҳоли миграциясини тўлиқ ва объектив тадқиқ этиш муаммоси, аввало, миграцияни (мигрант) идентификациялаш мезонларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган муҳим илмий масалани тўғри қўя олиш ва ҳал этишни тақозо этади.

Аввалари бой мамлакатларнинг эҳтиёжи бўйича меҳнаткашлар сараланганлиги ва бу қадар кўп бўлмаганлиги боис уларнинг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимояланган. Эндиликда ноқонуний миграциянинг тобора ошиши уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари рўёбга чиқишига жиддий хавф солмоқда.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Зуҳриддин МАВЛОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг судьяси:

– Билим ёки малака ўрганиш осон эмас. Аммо ўргатиш ундан-да қийинроқ. Бугунги кунда суд амалиёти билан шуғулланаётган, иш тажрибаси катта бўлган судьялар ҳам инновацион технологиялар асосида дарс ўтиши бизнинг мавзулар моҳиятини ипидан-игнасигача аниқ ва тезкор қабул қилишимизда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими, ёш ва таниқли ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевнинг меҳнат низоларига оид дарси интерфаол усулда жуда қизиқарли ўтилганини барча тингловчилар бирдек эътироф этдилар.

Машғулотларда иш жараёнида келиб чиқаётган айрим муаммоларни қонуний ҳал этиш йўлини ва республика бўйича амалиёт йўналишини ўргандим. Айниқса Судьялар олий мактаби раҳбарлари ҳар бир дарсда тингловчилар билан бирга ўтириб, дарс машғулотини таҳлил қилиши маърузачиларнинг ҳам, тингловчиларнинг ҳам жонли мулоқотга рағбатини кучайтирди.

Келгусида ўтиладиган мавзулар бўйича жаҳон давлатлари судлари амалиёти бўйича ҳам материаллар тайёрланиб, тингловчилар эътиборига ҳавола қилинса, айни муддао бўлар эди. Зеро, қонунчилигимиз борган сари жаҳон амалиётига мослаштирилмоқда.

Аксарият мамлакатларнинг миллий қонунчилигида миграция соҳасида қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган таъриф ва ҳуқуқий категорияларнинг ягона унификациялашган таснифи йўқлиги айнан бир хил бўлган ҳуқуқий ҳодисаларни баён этишда маъновий юки бўйича турлича юридик терминларни қўллашга олиб келади. Оқибатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин қилиш ва ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир ўтказиш механизмларини ишлаб чиқишга оид муаммолар пайдо бўлади.

Гарчи айрим мамлакатлараро миқёсда намунавий ҳуқуқий ҳужжатларда миграция сўзига таъриф берилганлигига қарамай, мазкур атаманинг тўлиқ мазмун-моҳияти лозим даражада ёритилмаган. Масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси 43-ялпи мажлисининг 2015 йил 27 ноябрдаги 43-3-сонли қарори билан қабул қилинган “Миграция тўғрисида”-ги намунавий қонуннинг 2-моддасида “миграция” тушунчаси мустаҳкамланган. Унга кўра, “миграция – жисмоний шахсларнинг бир давлатдан бошқасига, шунингдек давлат ҳудуди доирасида сабабларидан қатъи назар кўчиши”[11] ҳисобланади. Бунда мазкур тушунчанинг барча хусусиятлари очиб берилмаган.

Замонавий тадқиқотчилардан В.Д.Самойлов “миграция – одамлар ҳаракатланиши, оила, жамият ва давлат манфаатларига биноан янги фуқаролик-ҳуқуқий мақомни қўлга киритиши билан боғлиқ ниятларини амалга оширишда шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса”[12], деб таърифлайди.

Айрим муаллифларнинг таърифлари мунозаралидир. Масалан, Н.И.Орешинанинг “мигрант ҳуқуқий мақомини олиш ва уни маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга ошириш билан тугайдиган, мақсади ва муддати бўйича турли ҳудудий кўчиш миграциядир”[13] деган таърифига қисман қўшилмаймиз.

Бизнинг фикримизча, бундай таъриф миграциянинг ҳуқуқий табиатига зид келади, чунки миграция шахснинг мигрант ҳуқуқий мақомини олиш билан эмас, балки муайян давлатдаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аниқ воқеликдаги кўчиши билан содир бўлади. Бундан ташқари, миграция фақатгина маъмурий ҳуқуқ нормалари эмас, балки конституциявий, жиноят, меҳнат каби ҳуқуқнинг барча соҳалари билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда миграция жараёнининг конституциявий тавсифи Асосий Қонунимизнинг 28-моддасида ўз аксини топган бўлиб,[14] эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари кафолатланган, лекин мазкур соҳада тўғридан-тўғри амал қилувчи махсус қонунлар ҳозирги кунга қадар қабул қилинмаган. Тўғри, қонуности ҳужжатларда Ўзбекистонга келиш, бу ердан кетиш, бу ерда бўлиш ва транзит ўтиш қоидалари, фуқароларимизни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тартиби белгиланиб, миграция жараёни ҳуқуқий тартибга солинган. Бироқ миллий қонунчилигимиз таҳлили миграция жараёнининг ягона тушунчаси бўйича муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Қонунларимиз-

да "миграция" ёки шунга маънодош бўлган атамаларга умуман таъриф берилмаган.

Миграция соҳасида Ўзбекистон ҳам МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг фаол даражада иштирокчиси ҳисобланади. Ўтган йили Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлиб, 2018 йил 26 декабрда унинг Конституцияси ратификация қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳар бир мамлакат билан алоҳида тарзда, яъни икки томонлама шартномалар доирасида ҳам ўз ҳуқуқ-мажбуриятларини бажариб келмоқда.

Ўтказилган таҳлил асосида шуни қайд этамизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "миграция" атамасига изоҳнинг йўқлиги ушбу ҳодисани тушунишда турлича талқин қилинишга олиб келиб, давлат органларининг миграция вазифаларини амалга оширишдаги фаолияти самарадорлигига таъсир ўтказади. Қонунчилик аниқлиги "миграция"га оид атамаларнинг аниқ ва ягона маъноли изоҳлашга бўлган заруратдан келиб чиқади. Ваколатли органлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги тушунчанинг аниқ ва равшанлигига боғлиқ. Шу боис, миграция жараёнларини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларида "миграция" тушунчасининг норматив мустаҳкамланиши, қўлланиладиган тушунчалар аппаратини такомилаштириш ва аниқлаштириш таклиф этилади.

Бизнинг фикримизча, "миграция" деганда, жисмоний шахсларнинг бир давлатдан бошқасига, шунингдек ўз давлати ҳудудида доимий ёки вақтинчалик, ихтиёрий ёки мажбурий кўчишини, "ноқонуний миграция" деганда эса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат қонунчилигини бузган ҳолда давлат ҳудудига кириши, ҳудудида бўлиши, ҳудуд орқали транзит ўтиши, ҳудудидан кетишини тушуниш лозим.

Хуллас, "миграция" тушунчасининг юридик табиати ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилигидаги ўзига хос бўлган ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топади. Яъни муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда, аввало, тегишли сўзга таъриф ёки ҳуқуқий баҳо берилиши орқали мазкур тушунчанинг ҳуқуқий хусусиятлари янада кенгроқ очиб берилади. Бироқ Ўзбекистонда "миграция" ёки "аҳоли кўчиши" дейилган атамаларга ҳануз таъриф берилмаганлиги миллий қонунчилигимиздаги бўшлиқни ҳосил қилмоқда. Мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги, атамалар қўлланишида бир тўхтамга кела олмаслик турли хатоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, амалдаги қонун ҳужжатларида рус тилидаги "иностранные граждане" сўз бирикмаси ўзбек тилида гоҳ "хорижий фуқаролар", гоҳ "чет эл фуқаролари", гоҳ "ажнабий фуқаролар" тарзида баён этилган. Деярли бир ой орасида қабул қилинган қонуности ҳужжатлар номларининг ўзида – бирида "хорижий фуқаролар", иккинчисида "чет эл фуқаролари" сўзлари ишлатилган. Зеро, ваколатли органлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги тушунчанинг аниқ ва равшанлигига ҳам боғлиқ, албатта.

Бу борадаги миллий қонунчиликни ҳам ривожлантиришнинг вақти келди, деб ўйлаймиз. Шу боис миграция соҳасидаги институционал механизмларнинг бутун тизимига раҳбарликни ва миграция сиёсатини амалга оширадиган ягона мувофиқлаштирувчи органни таъсис этиш ҳамда миграция соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бинобарин, ушбу тавсиялар миграция жараёнларини тартибга солиш стратегиясини шакллантириш, Миллий миграция сиёсати концепцияси ва Миграция кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш, БМТнинг "Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенцияси"ни ратификация қилиш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 16 июнь.
2. Gabriel Mas. Histoire des migrations humaines / Cahiers de Village de Forez №65. Montbrison: Groupe d'histoire locale du Centre Social de Montbrison, 2018. –P.3.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд (Конимех-Мирзокуш). – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. – 640-бет.
4. Aristote. Œuvres complètes. Traduit par Pierre Pellegrin. Paris: Éditions Flammarion, 2014. 2923 pages.
5. Charles Montesquieu. De l'esprit des lois (1748). Paris: Flammarion, 2019. 400 pages.
6. Батафсил қаранг: Immanuel Kant. Kritik der reinen Vernunft. Create Space Independent Publishing Platform, 2013. 482 Seiten; Саидов А.Х. Ҳуқуқ метафизикаси, давлат ҳуқуқи, ҳуқуқ ва адабиёт. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2016. 648 бет.
7. Thomas Malthus. An Essay on the principle of population. London: Oxford World's Classics, 1999 (first published 1798). 208 pages.
8. Хомра А.У. Миграция населения: Вопросы теории, методики исследования. –Киев. – 1979. С.49.
9. Migration means life and progress; a sedentary population stagnation // Ravenstein E.G. The Laws of Migration. Journal of the Statistical Society of London. 52 (June 1889). P. 288.
10. Continued effectiveness of the Organization in view of the new challenges: Doc. MC/1631 / Intergovernmental Committee for Migration. Geneva, 1989. P.12-14.
11. Hervé Domenach, Michel Picouet. Les migrations. – Paris: Presses Universitaires de France, 1995. – P.10.
12. Документы 43-го пленарного заседания Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ / Информационный бюллетень, №64. Санкт-Петербург, 2016. – С.230.
13. Самойлов В.Д. Миграциология. Конституционно-правовые основы: монография. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015. – С. 54.
14. Орешина Н.И. Административно-правовое регулирование противодействия незаконной миграции в зарубежных странах: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010. С. 53, 67-89.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2017. 12-бет.

ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ НИЗОЛАРИ

уларни ҳал этишда иқтисодий суднинг ўрни қандай?

Низом ЮСУПОВ,
Жомбой туманлараро иқтисодий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасига кўра, бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топширигига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Шунингдек, ФКнинг 655-685-моддалари ҳам қурилиш пудрати шартномасига бағишланган бўлиб, ушбу меъёрларда пудрат тўғрисида умумий қоидалар, шартнома иштирокчилари, суғурталаш ҳолатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ҳақ тўлаш, томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан, уй-жой биноси), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади.

Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин унинг шартномада кўрсатилган муддатда ишлашини таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади.

Қурилишда ўзаро муносабатнинг ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни тақсимлаш характери бўйича шартноманинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

биринчидан, *тўғри шартномалар мажмуа қисмини ташкил қиладиган алоҳида объектда молиялаштирилган ҳажмда қурилиш ва махсус ишларни аслаҳа ва материалларни етказиб бериб ёки бермасдан бажариш учун тузилади. Тўғри шартнома бўйича пудратчи фақат ўзининг мажбуриятларига оид ишларни ва хизматларни бажариш бўйича жавобгар бўлиб, объектда (бутун мажмуада) қурилишни тугатиш ва ҳамма ишларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик буюртмачининг зиммасида бўлади;*

иккинчидан, *лойиҳа-қурилиш шартномаси бўйича бош пудратчига лойиҳалаштириш ва қурилиш объекти бўйича мажбурият юклатилади;*

учинчидан, *“калитни топшириш” шартномаси лойиҳа-қурилиш контрактини ривожлантиришнинг давоми ҳисобланиб, бош пудратчи буюртмачининг одатдаги ҳамма функцияларини, шу жумладан созлашга ва ишга туширишга оид ишларни ўз зиммасига олади. Буюртмачига тўлиқ доимий фойдаланишга тайёрланган объект топширилади.*

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича буюртмачи сифатида молиявий ресурсларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бундай ишларни бажаришга ихтисослашган шахслар, буюртмачининг ишончли шахси сифатида эса, бутун қурилиш жараёни мобайнида унинг номидан ва унинг

манфаати учун ҳаракат қиладиган шахслар қатнашиши мумкин.

Мулкчиликнинг турли шаклидаги қурилиш-монтаж, қурилиш, лойиҳа-қурилиш ва бошқа ташкилот, корхоналар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш фаолияти билан лицензия асосида шуғулланадиган, рўйхатдан ўтган, қурилишни мувофиқлаштириш бўйича вазифани ўз зиммасига олган жисмоний шахслар ёки воситачи ташкилотлар пудратчи ҳисобланади.

Жомбой туманлараро иқтисодий суди томонидан 2019 йилнинг 1 чорагида пудрат шартномаси билан боғлиқ 7 та низо кўрилиб, талаб қилинган сумма 771 миллион сўмни ташкил қилган. Қаноатлантирилган 7 та иш бўйича 512 миллион сўм пул маблағи даъвогарлар фойдасига ундирилган.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан буюртмачи ва пудратчилар томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўла риоя этилмаслиги қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, *буюртмачи ва пудратчилар ўртасидаги қурилиш пудрати шартомаларини расмийлаштиришда қонун ҳужжатлари талаблари тўлиқ ифода этилмаяпти;*

иккинчидан, *айрим ҳолларда қурилиш пудрати шартномалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилиш баҳоси ва унинг ҳисоб-китоб шакллари белгиланмаяпти, шунингдек буюртмачи ва пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда шартнома тузиш эркинлиги тамойилига лозим даражада риоя этилмаяпти;*

учинчидан, *қурилиш пудрати ишларини амалга оширишда муҳим ҳисобланган лойиҳа-смета ҳужжатларини тузмасдан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш, мавжуд смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказмасдан ва қурилиш ишларини сифатсиз қилдирмасдан амалга ошириш ҳоллари учрамоқда.*

Оқибатда кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар қурилиш соҳасида қилган қонунбузарликлари ва ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли қонун ҳужжатларида ва шартномаларда белгиланган тартибда кўплаб миқдорда неустойка (пеня, жарима) тўламоқдалар. Бу эса, уларнинг ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, қурилиш пудрати шартномавий муносабатларида шартнома интизомига риоя қилиш ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмас ва қурилиш пудратида шартномавий алоқадорлик сифатида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ишида юридик хизмат яхши йўлга қўйилмаган.

Юқорида қайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, республикамизда қурилиш пудрати билан боғлиқ шартномавий муносабатларни амалга ошириш ва тартибга солиш учун қонунчилик базаси яратилган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (буюртмачилар) ва пудратчи ташкилотлар мазкур қонунчилик талабларига мувофиқ ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашлари зарур.

Бобур Мирзо ИСМОИЛОВ,
Базовый докторант Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

АНТИКОРРУПЦИОННАЯ ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: НЫНЕШНЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

(Продолжение, начало в предыдущем номере)

С начала 2016 года упрощены все виды регистрационных, разрешительных и лицензионных процедур. Так, через ЕПИГУ осуществляется в открытом доступе онлайн подача заявления на регистрацию субъектов предпринимательства без образования и с образованием юридического лица.

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по созданию межведомственной сети передачи данных электронного правительства» от 12 августа 2016 года № 262 определен перечень государственных органов и иных организаций, оказывающих электронные государственные услуги, подключаемых в первоочередном порядке к Межведомственной сети передачи данных электронного правительства, а также План мероприятий по созданию и обеспечению эффективного использования Межведомственной сети передачи данных электронного правительства. С 1 января 2017 года взаимодействие между ведомственными и межведомственными информационными системами, и информационными ресурсами государственных органов, оказывающих электронные государственные услуги, и центральными базами данных электронного правительства осуществляются через Интрасеть.

Разработана и запущена новая версия Единого портала интерактивных государственных услуг (ЕПИГУ). С 1 апреля 2017 года государственная регистрация и постановка на учет субъектов предпринимательства осуществляются круглосуточно через автоматизированную систему, интегрированную в ЕПИГУ. Вместе с тем, создана межведомственная сеть передачи данных «Электронного правительства». Проведена интеграция разработанных информационных систем для оказания электронных государственных услуг к межведомственной платформе «Электронного правительства» и Единой системе идентификации пользователей.

По результатам оказания услуг, Единый портал формирует электронный документ (справку, свидетельство, выписку), благодаря чему, пользователям не придется посещать различные ведомства для получения бумажной версии документа.

С 2016 года в сети интернет функционирует Виртуальная приёмная Президента Республики Узбекистан. Благодаря Виртуальной приемной Президента Республики Узбекистан население и субъекты предпринимательства могут обратиться непосредственно к Президенту Республики Узбекистан с нерешёнными проблемами, заявлениями, жалобами или предложениями, мгновенно без каких-либо затрат. Колл-центр не требует персональных данных, таких как паспортные данные, достаточно только телефонного номера. Данный портал призван способствовать совершенствованию институциональных реформ и должен стать общей платформой для общественности, а также дружественной системой для населения и субъектов предпринимательства.

С 1 апреля 2018 года Агентством государственных услуг через Единый портал интерактивных государственных услуг уже предоставлено более 60 услуг субъектам предпринимательства и обычным гражданам, из 160 планируемых до 2020 года и было зарегистрировано более полумиллиона пользователей.

Отдельно следует остановиться на внедрении института бизнес-омбудсмана в Республике Узбекистан. Данный институт учреждён Указом Президента Республики Узбекистан от 5 мая

2017 года № УП–5037 «Об учреждении института Уполномоченного при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства».

Вместе с тем, в 2017 году принят Закон «Об Уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства»

Согласно Закону, Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства – должностное лицо, обеспечивающее гарантии защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства, соблюдение указанных прав и законных интересов государственными органами, в том числе правоохранительными и контролирующими органами.

В целях создания дальнейших благоприятных условий для ведения бизнеса и привлечения инвестиций, пресечения фактов хищения и нерационального использования бюджетных средств, а также повышения эффективности борьбы с экономическими преступлениями и коррупцией, Департамент по борьбе с налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов при Генеральной прокуратуре, преобразован в Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан.

Одной из задач Департамента является противодействие экономическим преступлениям и коррупции в топливно-энергетическом комплексе, банковско-финансовой, налоговой, транспортной, строительной и социальной сферах, устранение их последствий, а также причин и условий, им способствующих.

В этой связи, в структуре Департамента создано Управление по борьбе с экономическими преступлениями и коррупцией на базе отделов по борьбе с налоговыми правонарушениями, по борьбе с валютными правонарушениями, по защите потребительского рынка, по защите прав субъектов предпринимательства и борьбе с коррупцией.

Касательно снятия правовых барьеров и организационных препон для развития предпринимательства, и совершенствования правовых и институциональных основ оказания государственных услуг и регламентации административных процедур можно еще долго приводить меры, предпринимаемые нашим государством, однако считаем целесообразным остановиться на том факте, что Узбекистан в позициях рейтинга «Doing business» идет стремительно вверх, что конечно же не может вызывать радость у предпринимателей Узбекистана.

Активно идут работы по реформированию судебной власти. С 2017 года установлен порядок назначения или избирания судей на первоначальный пятилетний, очередной десятилетний сроки, и последующий бессрочный (пожизненный) период пребывания в должности.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 21 февраля 2017 года № УП–4966 «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан» образован конституционный орган – Высший судейский совет Республики Узбекистан, путем упразднения Высшей квалификационной комиссии по отбору и рекомендации на должности судей при Президенте Республики Узбекистан. Высший судейский совет наделен полномочиями по отбору и формированию высококвалифицированного судейского корпуса.

В соответствии со статьей 111 Конституции Республики Узбекистан Высший судейский совет Республики Узбекистан является органом судейского сообщества и оказывает содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти в Республике Узбекистан.

Для обеспечения независимости судей, в статье 236 Уголовного кодекса предусмотрена уголовная ответственность за вмешательство в разрешение судебных дел, которой предусмотрена ответственность за незаконное воздействие в любой форме на судью с целью вынесения неправосудного приговора, решения, определения или постановления.

Создание Высшего судейского совета и наделение его значительными полномочиями, связанными с обеспечением независимости судебной власти, имеет конечно же положительный эффект. Однако, имеются некоторые проблемы в этой сфере, такие как: отсутствие прозрачного порядка их отбора и назначения, включение в состав Совета представителей правоохранительных органов. Кроме того, структуру и численность исполнительного аппарата Совета утверждает Президент Республики Узбекистан, а не сам Совет, что конечно же негативно влияет на его самостоятельность, кроме этого не опре-

делен порядок прекращения полномочий членов Совета.

Также видится необходимым остановиться на Конвенции ООН против коррупции.

I глава называется «Общие положения» и включает в себя нормы, раскрывающие цели настоящей Конвенции, а также содержащие довольно объемный понятийный аппарат.

Целями Конвенции ООН против коррупции являются:

а) содействие принятию и укреплению мер, направленных на более эффективное и действенное предупреждение коррупции и борьбу с ней;

б) поощрение, облегчение и поддержка международного сотрудничества и технической помощи в предупреждении коррупции и борьбе с ней, в том числе принятии мер по возвращению активов;

в) поощрение честности, неподкупности, ответственности и надлежащего управления публичными делами и публичным имуществом.

II глава называется «Меры по предупреждению коррупции» и занимает центральное место в самой Конвенции. В этом разделе впервые на столь высоком международном уровне сделана попытка определить существо и содержание политики предупреждения и противодействия коррупции. В отличие от набора отдельных мер, направленных против коррупции, политика предупреждения и противодействия коррупции подразумевает активное государственное участие и является более точным и всеобъемлющим инструментом в борьбе с этим общественно-опасным явлением.

В III главе «Криминализация и правоохранительная деятельность» квалифицируются: подкуп национальных и иностранных публичных должностных лиц, должностных лиц публичных международных организаций; хищение, неправомерное присвоение или иное нецелевое использование имущества публичным должностным лицом; отмывание доходов от преступлений; воспрепятствование осуществлению правосудия; злоупотребление влиянием в корыстных целях; злоупотребление служебным положением; незаконное обогащение (увеличение активов публичного должностного лица, превышающее его законные доходы, которые оно не может должным образом объяснить); хищение имущества в частном секторе; сокрытие или неправомерное задержание имущества, если известно, что такое имущество получено в результате совершения преступлений, признанных таковыми Конвенцией.

Глава V «Меры по возвращению активов» содержит требование о возвращении государствами денежных средств и других активов, полученных путем коррупции, в страну, из которой они были похищены.

На сегодняшний день отдельные положения Конвенции ООН не в полной мере реализованы в системе национального законодательства.

В частности, статья 6 Конвенции требует, чтобы каждое Государство-участник обеспечивало «.... наличие органа или, в надлежащих случаях, органов, осуществляющих предупреждение коррупции с помощью таких мер, как:

а) проведение политики, ... и, в надлежащих случаях, осуществление надзора и координации проведения такой политики;

b) расширение и распространение знаний по вопросам предупреждения коррупции».

В соответствии со статьей 8 Закона «О противодействии коррупции» для координации деятельности органов и организаций, осуществляющих и участвующих в деятельности по противодействию коррупции, создана Республиканская межведомственная комиссия по противодействию коррупции. Порядок формирования и деятельности Межведомственной комиссии определяется Президентом Республики Узбекистан.

В Республике Каракалпакстан, областях и городе Ташкенте создаются территориальные межведомственные комиссии по противодействию коррупции в порядке, установленном законодательством. В настоящее время Республиканской межведомственной комиссией по противодействию коррупции проведено четыре заседания.

Вместе с тем комиссия действует не на постоянной основе. Соответственно, целесообразно рассмотреть вопрос об учреждении специального уполномоченного органа в сфере противодействия коррупции, действующего на постоянной основе.

Каждое Государство-участник стремится, в соответствии с основополагающими принципа-

ми своего внутреннего законодательства, создавать, поддерживать и укреплять такие системы, которые способствуют прозрачности и предупреждают возникновение коллизии интересов.

Как отмечено выше, несмотря на принятие ряда нормативных актов регламентирующих вопросы прохождения службы отдельными категориями государственных служащих, целостного Закона «О государственной службе» пока не принято.

Каждое Государство-участник рассматривает возможность принятия, ... дисциплинарных или других мер в отношении публичных должностных лиц, которые нарушают кодексы или стандарты, ...

Национальное законодательство не устанавливает обязательства для должностных лиц представлять соответствующим органам декларации об активах и доходах. Соответственно необходимо ввести систему обязательного декларирования имущества государственных должностных лиц; отрегулировать порядок декларирования личного имущества государственных должностных лиц, рассмотреть вопрос о проверке этих деклараций и об их обнародовании.

Часть первая статьи 16 Конвенции требует, чтобы Каждое Государство-участник принимало законодательные и другие меры, которые могут потребоваться, с тем чтобы признать в качестве уголовно наказуемых деяний, когда они совершаются умышленно, обещание, предложение или предоставление иностранному публичному должностному лицу или должностному лицу публичной международной организации, лично или через посредников, какого-либо неправомерного преимущества для самого должностного лица или иного физического или юридического лица, с тем чтобы это должностное лицо совершило какое-либо действие или бездействие при выполнении своих должностных обязанностей для получения или сохранения коммерческого или иного неправомерного преимущества в связи с ведением международных дел.

В настоящее время национальное законодательство такого состава не содержит. Хотя термин должностное лицо в Уголовном кодексе в качестве субъектов уголовной ответственности включает иностранных публичных должностных лиц и должностных лиц международных организаций. Соответственно возможно введение в Уголовный кодекс отдельного состава «подкуп иностранных публичных должностных лиц и должностных лиц международных организаций».

Статья 20 Конвенции требует .... признать в качестве уголовно наказуемого деяния, когда оно совершается умышленно, незаконное обо-

гащение, то есть значительное увеличение активов публичного должностного лица, превышающее его законные доходы, которое оно не может разумным образом обосновать.

Национальное законодательство такого состава не содержит. Учитывая, что ответственность за незаконное обогащение должностых лиц является одним из ключевых требований Конвенции возможно введение в Уголовный кодекс отдельного состава «Ответственность должностых лиц за незаконное обагащение». Вместе с тем следует определиться с введением системы декларирования доходов и органом полномочным привлекать должностных лиц к уголовной ответственности.

Пункт 2 статьи 30 Конвенции требует, чтобы «каждое Государство-участник принимал такие меры, какие могут потребоваться с тем, чтобы установить или обеспечить, в соответствии со своей правовой системой и конституционными принципами, надлежащую сбалансированность между любыми иммунитетами или юрисдикционными привилегиями, предоставленными его публичным должностным лицам в связи с выполнением ими своих функций, и возможностью, в случае необходимости, осуществлять эффективное расследование и уголовное преследование и выносить судебное решение в связи с преступлениями коррупционного характера.

Следует отметить, что статья 223 Уголовно-процессуального кодекса Узбекистана определяет круг лиц, пользующихся иммунитетом при задержании. Не могут быть задержаны и доставлены в орган внутренних дел или иной правоохранительный орган депутаты, члены Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсман), Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства, судьи и прокуроры.

Этот запрет не распространяется на случаи задержания, если лицо обладающее иммунитетом застигнуто при совершении преступления или сразу же после его совершения.

Объем иммунитетов определён в законах Республики Узбекистан «О статусе депутата областного, районного и городского кенгаша народных депутатов» от 2 декабря 2004 года (статья 11), «О статусе депутата Законодательной палаты и члена Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан» от 2 декабря 2004 года (статья 13), «О судах» (новая редакция) от 14 декабря 2000 года (статья 70), «О прокуратуре» (новая редакция) от 29 августа 2001 года (статья 9), «Об уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека (омбудсмане) от 24 апреля 1997 г. (ст.17), «Об уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства» от 29 августа 2017 г. (ст.19). Соответственно возможно рассмотрение вопроса о сокращении сферы действии иммунитетов для указанных категорий только непосредственным исполнением обязанностей.

Статья 28 Закона «О противодействии коррупции» определяет, что «лица, сообщающие информацию о коррупционных правонарушениях, находятся под защитой государства, за исключением случаев, установленных законом.

Преследование лиц, сообщающих информацию о коррупционных правонарушениях, влечет ответственность в соответствии с законом.

Правила настоящей статьи не распространяются на лиц, сообщивших заведомо ложную информацию о коррупционных правонарушениях, которые несут ответственность в соответствии с законом».

Уголовно-процессуальный кодекс также содержит норму о возможности обеспечения защиты свидетелей и экспертов, лиц предоставляющих информацию.

14 января 2019 года принят Закон Республики Узбекистан «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса».

Исходя из вышеизложенного, можем предположить пути дальнейшего совершенствования антикоррупционной политики в Республике Узбекистан:

1. Дальнейшее совершенствование законодательства в сфере противодействия коррупции.

Внесение проекта закона «О государственной службе» в Законодательную палату Олий Мажлиса, предусматривающего законодательное закрепление основ организации государственной службы, правовой статус государственных служащих, меры по их социальной защите, а также введение института декларирования отдельной категорией государственных служащих информации об активах и доходах; внесение проекта закона «О государственно-частном партнерстве» в Законодательную палату Олий Мажлиса, предусматривающего законодательные основы взаимовыгодного сотрудничества между государством и субъектами частного предпринимательства.

2. Повышение правового сознания и правовой культуры населения, формирование в обществе нетерпимого отношения к коррупции

Разработка и распространение среди государственных служащих практических рекомендаций по предотвращению и урегулированию конфликта интересов с учетом специфики их деятельности; разработка системы ежегодного обучения представителей министерств и ведомств по выявлению новейших коррупционных факторов, управлению коррупционными рисками и мерами по их нейтрализации; создание мобильных приложений «С меня требовали взятку» и «Активный гражданин», предусматривающих предупреждение других граждан и правоохранительных органов о коррупционных случаях; введение курсов переподготовки и повышения квалификации преподавателей учебных заведений по противодействию коррупции в профильных организациях по повышению квалификации сотрудников государственных органов.

3. Реализация мер по предупреждению коррупции во всех сферах жизнедеятельности государства и общества

Составление каждым государственным органом карты коррупционных рисков в разрезе регионов; совершенствование механизмов открытого, прозрачного отбора и назначения судей, путем использования информационных технологий и коммуникаций, в том числе опубликование в средствах массовой информации, в том числе веб-сайте результатов отбора; установление меха-

низма проведения общественного обсуждения кандидатов на должности судей; обеспечение оценки судей на основании четко сформулированных прозрачных критериев и процедур;

проведение мониторинга и оценки открытости деятельности органов государственной власти и управления

проведение мониторинга эффективности работы телефонов доверия и Call-центров «горячих линий» органов государственной власти и управления, в том числе государственной власти на местах с регулярным опубликованием ее результатов;

критическое изучение размеров заработной платы труда должностей наиболее подверженных коррупции, а также связанных с коррупционными рисками;

подготовка предложений по повышению размеров заработной платы труда.

4. Своевременное выявление, пресечение коррупционных правонарушений, устранение их последствий, причин и условий, им способствующих, обеспечение принципа неотвратимости ответственности за совершение коррупционных правонарушений.

Разработка программного обеспечения «Мониторинг» для проведения мониторинга антикоррупционных мер министерств и ведомств, а также дальнейшее обучение сотрудников государственных органов на специальных тренингах по использованию данной программой; проведение социологических исследований и опросов среди населения в целях оценки уровня коррупции в регионах, в том числе государственных органах и организациях; совершенствование системы экспертного обеспечения судебно-следственной деятельности развитие системы негосударственных экспертных учреждений, объединение государственных экспертных учреждений в один централизованный орган; создание специального информационного портала (веб-сайта) Республиканской межведомственной комиссии по противодействию коррупции, включающего в себя необходимую информацию согласно международным стандартам, в том числе: отчеты об антикоррупционных мероприятиях, проводимых в стране и их результаты, в том числе реализуемых согласно планам мероприятий, утверждаемых на уровне ведомств; статистические данные по уголовным и другим коррупционным правонарушениям, в частности, по количеству заявлений о таких правонарушениях, количеству зарегистрированных дел, результатам расследования, оперативно-розыскных мероприятий использованных в процессе уголовного преследования и судебных разбирательств (с указанием данных о примененных наказаниях и категориях обвиняемых их должности и места работы); индикаторы восприятия коррупции в стране по отраслям; возможность получения от граждан рекомендаций по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики, а также приема обращений по коррупционным правонарушениям; цифровизация всех государственных услуг, которые имеют коррупционные риски; внедрение механизма защиты лиц, сообщающих информацию о коррупционных преступлениях; совершенствование Правил этического поведения работников государственных органов, а также обеспечение мониторинг за их эффективным применением.

5. Международное сотрудничество по вопросам противодействия коррупции

Внедрение в магистратурах специального направления по противодействию коррупции с привлечением в образовательный процесс известных международных экспертов в данной области; установление партнерства с международными организациями в области противодействия коррупции; проведение инвентаризации законодательства Республики Узбекистан на предмет соответствия международно-правовым актам в области противодействия коррупции; разработка предложений по приведению национальной статистической отчетности в соответствие с общепризнанными международными стандартами; рассмотрение вопроса присоединения к Конвенции Совета Европы об отмывании, выявлении, изъятии, конфискации доходов от преступной деятельности и финансировании терроризма 2015 года; привлечение международных организаций в сфере противодействия коррупции (Всемирный банк, ОЭСР, «Transparency International», УНП ООН, ОБСЕ, «Bertelsmann Foundation», «Economist Intelligence Unit», «Global Insight» и др.) по организации содействия в совершенствовании нормативной и методической базы по противодействию коррупции и принятию необходимых практических мероприятий.

ҲИКОЯ



АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Лев ТОЛСТОЙ

Қадимги Миср шоҳларидан улуғ Бойкос ўз шаҳарларидан бирида адолатли қози борлигидан хабар топибди. Айтишларича, у жуда ростгўй бўлиб, оқни оққа, қорани қорага ажратар, унинг ўткир нигоҳидан битта ҳам муттаҳам қочиб қутулолмас экан! Иттифоқо, бир куни шоҳ Бойкос бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида савдогар кийимини кийибди-да, ўша ростгўй қози яшайдиган юртга равона бўлибди. Йўлда бир чўлоқ пайдо бўлиб, ундан хайр-садақа сўрабди. Шоҳ унга садақа бериб, йўлида давом этибди. Аммо тиланчи унинг этагига осилиб олибди.

– Хўш, сенга ўзи нима керак? – сўрабди шоҳ Бойкос.

– Сен менга садақа бердинг, лекин яна бир илтифот кўрсат, мени отингда шаҳар ўртасидаги майдонга олиб бор, токи мени йўлдаги от ва туялар эзиб ташламасин!

Шоҳ Бойкос чўлоқни отига мингаштириб, шаҳар марказидаги катта майдонга олиб борибди. Сўнг отини дарахтга боғлаб қўйибди, аммо қайсар тиланчи отдан ҳеч тушмас эмиш.

Шунда шоҳ Бойкос дебди:

– Хўш, нега отда ўтирибсан, биз етиб келдик, энди отдан туш!

Тиланчи унга шундай жавоб қайтарибди:

– Ахир, от меники бўлса, нега ундан тушишим керак, агар бунга гумонинг бўлса, унда шаҳар қозисига борамиз!

Атрофдаги оломон ҳам буни эшитиб, шовқин солибди:

– Қозига боринглар, тўғри ҳукмни қози чиқаради!

Ноилож шоҳ Бойкос ҳалиги чўлоқ билан шаҳар қозисининг олдига боришибди. Қозининг ҳовлисида тумонат одам тўпланган бўлиб, қози бу одамларни навбати билан ҳузурига чақирар экан.

У биринчи бўлиб олдига бир олим ва деҳқонни чорлабди. Улар битта гўзал аёл учун қозининг ҳузурига келишган экан. Деҳқон ўша аёлни хотиним деса, ё тавба, олим ҳам “бу аёл менинг завжаи ҳалолим” дермиш! Қози икки томонни тинглаб бўлиб, ҳукм чиқарибди:

– Аёл менинг уйимда қолади, сизлар эса эртага келасизлар!

Улар чиқиб, хонага қассоб ва ёғфуруш киришибди. Қассобнинг қўли қон, ёғфурушнинг қўллари эса мойга беланган экан. Қассобнинг қўлида пул, ёғфуруш эса унинг қўлидан маҳкам тутиб олибди.

Шунда қассоб арз-додини айтибди:

– Тақсир, мен бу одамдан ёғ сотиб олиб, энди пулини бермоқчи эдим, у қўлимдан маҳкам ушлаб, пулни мендан тортиб олмоқчи бўлди. Мен қўлимда кармоним, у эса менинг қўлимдан ушлаган ҳолда ҳузурингизга келдик! Пуллар меники, ёғфуруш муттаҳам, ўғри!

Ёғфуруш эса қуйидагиларни айтибди:

– Бу ҳаммаси бўҳтон! Қассоб олдимга мой сотиб олиш учун келган эди. Мен унга кўзасини тўлдириб мой қуйдим. У мендан динорини майдалаб беришимни сўради. Мен майда чиқариб, пештахтага қўйдим. Қассоб бу пулларни олиб қочмоқчи бўлди. Мен шу пайт унинг қўлидан ушлаб сизга олиб келдим, тақсир!

Қози бироз сукут сақлаб, кейин шундай дебди:

– Пуллар менда қолади, сизлар эртага келинглар.

Навбат шоҳ Бойкосга келгач, у ҳам бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шунда қози чўлоққа юзланибди. Чўлоқ қуйидагиларни гапирибди:

– Унинг гаплари ғирт ёлғон! Мен ўз отимда сайр қилиб юрган эдим. Бу одам эса

мендан ўзини майдонгача элтиб қўйишимни сўради. Ке¬йин менга туҳмат қилиб, бу от ўзиники эканлигини даъво қилди. Унинг гаплари ғирт ёлғон!

Буни эшитиб, қози жавоб қайтарибди:

– Отни менинг уйимда қолдириб, ўзларингиз эртага келинг!

Эртасига эрталаб шаҳарнинг марказий майдонига тумонат одам тўпланган, ҳамма қозининг адолатли қарорини кутар экан.

Биринчи бўлиб олим ва деҳқон қозининг қабулига киришибди. Қози ўйлаб туриб, ўзининг биринчи қарорини халққа эълон қилибди:

– Хотин олимга тегишли, деҳқонга эса эллик дарра урилсин!

Олим ўз хотинини олибди, деҳқон эса жазога тортилибди. Кейин қози қассоб ва ёғфурушни олдига чақирибди.

– Бу пуллар сеники, – дебди қози қассобга. Кейин ёғфурушга юзланибди: – Ёғфурушга эллик дарра урилсин!

Ниҳоят навбат шоҳ Бойкос ва чўлоққа келибди.

– Сен ўз отингни йигирмата бошқа отнинг орасидан таний оласанми? – сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.

– Таний оламан, тақсир! – жавоб қайтарибди шоҳ Бойкос.

– Сен-чи?! – юзланибди қози чўлоққа.

– Мен ҳам ўз отимни танийман! – жавоб берибди чўлоқ.

– Ортимдан юринглар-чи! Ҳаммалари биргалашиб отхонага ўтишибди. Шоҳ Бойкос гувоҳлар олдида йигирмата от орасидан ўзининг отини кўрсатибди. Кейин қози чўлоқни чақириб, уни ҳам отхонага олиб борибди ва ундан ўз отини топиб беришини сўрабди. Чўлоқ ҳам ўша отни кўрсатибди. Шундан сўнг қози ўз ўрнига ўтиб, қарорини ҳаммага эълон қилибди:

– От Бойкосники, чўлоққа эса эллик дарра урилсин!

Иш куни тугаб, қози уйига қайтаётганида, шоҳ Бойкос унинг ортидан эргашибди.

– Хўш, нима гап, ё менинг қароримдан норозимисан? – сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.

– Йўғ-э, мен қарорингдан розиман, фақат хотин олимники, пуллар қассобники, от меники эканини қандай аниқлаганингга ақлим етмаяпти!

Шунда қози жавоб қайтарибди:

– Хотин кимникилигини мен бундай билиб олдим: уни эрталаб ҳузуримга чақириб, "Сиёҳдонга сиёҳ қуйиб бер!" деб сўрадим. У сиёҳдонни олди, уни чаққонлик билан ювиб-тозалаб, сўнг сиёҳ қуйди. Афтидан,

хотин бу ишни олдин ҳам қилиб юрган, шунинг учун бу иш унга унча қийин бўлмади. Агар у деҳқоннинг хотини бўлганида, бу ишни уддалай олмасди. Демак, хотин олимга тегишли бўлиб чиқди. Пулларни эса сувга солиб қўйдим, эрталаб қарасам, пиёладаги сувнинг бети топ-тоза. Агар бу пуллар ёғфурушга тегишли бўлганида, сув юзида мой доғлари пайдо бўларди. Демак, қассоб тўғри гапирган! От кимга тегишли эканлигини аниқлаш анча оғир кечди. Чунки чўлоқ ҳам сенинг отингни таниди. Сизларни отхонага бошлаб борганимда, мен учун сизларнинг отни танишингиз эмас, балки отнинг сизларни таниши заруррок эди! Сен яқинлашганингда, от бошини кўтариб сенга интилди, чўлоқ унга яқин келганида эса от қулоқларини чимирди! Бунга кўра, отнинг ҳақиқий хўжайини сен эдинг!

Шунда шоҳ Бойкос дебди:

– Мен оддий савдогар эмасман, шу юртнинг подшоҳи – шоҳ Бойкосман! Одамларнинг сен ҳақингда айтаётган сўзларига ўзим гувоҳ бўлиш учун бу ерга келган эдим! Сенинг ростгўй қози эканингга буткул ишондим! Тила тилагингни, сени мукофотлайман!

Ростгўй қози вазминлик билан жавоб қайтарибди:

– Менга мукофот керак эмас, жаноби олийлари, улуғ шоҳимнинг мақтовлари мен учун энг олий шараф!

Рус тилидан Раҳмат Тўла таржимаси

Шоира ҲАСАН қизи

ВАТАН

Сўнгсиз кенгликларда ястаниб ётган
Юртнинг қучоғида қувончларим бор.
Барча эзгуликни ўзда жам этган —
Унда меҳр бисёр, соғинчлар бисёр.

Тириклик уйида олган нафасим,
Улуснинг бетакрор тонгига ҳамдам.
Менга азиз эрур, менга ватандир,
Қишлоғимнинг ўйчан кўчалари ҳам.

Асрлар ўтса ҳам тарих барҳаёт,
Кўҳна Хоразмнинг минорларида.
Ватаннинг минг йиллик меҳридир бунёд,
Қадим Бухоронинг чинорларида.

Ватан! Сенга лойиқ бир фарзанд бўлиб,
Ўзинг инъом этган бахтга етарман.
Кетар бўлсам бир кун боқий манзилга,
Бир ҳовуч тупроғинг олиб кетарман.

Юртимга бахшида барча тилагим,
Яшашдан муродим Оллоҳга аён.
Уни деб уради ҳар он юрагим,
Самарқанду Термиз, Тошкенту Қўқон.

Бағрингда туғилдим, ҳаётим масъуд,
Қалбим чечак эрур, юртим чамандир.
Қаричи жонимга арзирли ҳудуд —
Бетакрор, муҳташам, азиз Ватандир!